

Бугун Тошкентда Ўзбекистон касабачуу уюшмалари
Федерациясининг V қурултойи иш бошлайди



/// O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqib boshlagan

2010-yil 21-dekabr № 150 (2875) seshanba



Мустақилликка эришган халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бу борада касаба уюшма ташкилотларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўтмишга қайтиб иш кўрмоқ хайрли, дейдилар. Қуйида биз ташкилотнинг ўтган беш йилликда амалга оширган ишларига бир қур назар ташлаганимиз ҳолда, фаолиятига баҳо беришга ҳаракат қиламиз.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва янги давлат ҳамда жамият қуришда асос қилиб олинган беш тамойил амалда ўзини тўлиқ оқлади. Ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» гоёси ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизи яратилиб, мамлакат сиёсий ҳаётида ҳақиқий кўппартиявийлик муҳити қарор топиши натижасида нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти такомиллаштирилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимида, оммавий ахборот воситалари, маънавий-маърифий соҳаларда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. «Ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун», деган тамойил ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши тўғрисида глобал инқирознинг оқибати ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатлари, халқ бирдамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинди.

Охири йилларда энг кам иш ҳақи ва ижтимоий трансферт тўловлари миқдори мунтазам ошириб борилди, пенсия ҳисоблаш учун олинган ўртача иш ҳақининг юқори чегараси кўтарилди, юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ юкларини пасайтириб борилди, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий мустақиллиги кенгайтирилди.

Шуни алоҳида айтиш мумкинки, бюджет соҳаси ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимлари жорий этилиб, норасмий бандлик даражасини камайтириш бўйича амалий чоралар кўрилди, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мақомини ошириш, оналик ва болаликни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан етук қилиб тарбиялаш ишлари янги сифат даражасига кўтарилиб, манзилли ижтимоий ҳимоя механизми такомиллаштириб борилмоқда.

Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ислохотлар натижасида касаба уюшмалари ҳаракатини ҳам модернизациялаш учун шароитлар яратилди.

2005-2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши фаолияти аъзо ташкилотларнинг касаба уюшмаларида демократик янгилашлар кўламини кенгайтириш, касаба уюшма органларида ташкилий-ижроия ва молиявий интизомни кучайтириш бўйича саъй-ҳаракатларини жиқлаш-

Довонлар ошииб



тиришга йўналтирилди. Буларнинг ҳаммаси касаба уюшма аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш бўйича фаолиятнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Омбудсман, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ билан ҳамжиҳатлик кучайтирилди.

Парламент ва ҳукумат билан ҳамкорликда қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиб келинди: касаба уюшмаларининг кўмаги билан Халқаро меҳнат ташкилотининг 2 та конвенцияси ратификация қилинди, 23 та қонун, 22 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда 130 та идоравий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳукумат ва иш берувчилар уюшмалари билан ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш борасидаги фаолият давом эттирилди, Вазирлар Маҳкамаси билан ҳамкорликнинг аниқ ижтимоий лойиҳалар бўйича амалий ишларни бажаришга асосланган янги шакл-шамойили қарор топди.

Тармоқ ва ҳудудий миқёсларда тармоқ келишувларидан тариф келишувларига, ҳудудий келишувлардан — минтақавий келишувларга ўтиш ишлари изчил олиб борилди, ягона музокара жараёни тизими жорий этилди, жамоа келишувлари ва шартномаларининг мазмун жиҳатидан савияси кўтарилди.

Юридик шахсларнинг жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинishi 83 фоиздан 88 фоизгача кўтарилди, касаба уюшмалари аъзоларининг

жамоа шартномалари орқали олган бевосита ва билвосита даромадлари эса 3,8 баравар ошди. Жамоа шартномаси иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ишларига кўмаклашувчи муҳим ҳужжатга айланди.

Ҳукумат таклифига биноан янги иш ўринлари яратилишининг мониторинг тизимига касаба уюшмалари ҳам киритилди. Шу ўринда касаба уюшмалари органларининг аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш ишлари бирмунча фаоллашганини эътироф этиш лозим.

Ишловчиларни касбий ва қайта тайёрликлардан ўтказиш, корхоналар тугатилиши оқибатида ишсиз қолаётган ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишлари давом эттирилди.

Ҳисобот даврида нафақат номинал, балки реал иш ҳақининг ҳам ўсиши кузатилди. Аҳолининг номинал пул даромадлари таркибида иш ҳақининг улуши 7,4 фоизга ошиб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг тармоқлараро дифференциацияланиш коэффициенти сезиларли даражада камайди, иш ҳақи тўловларидан муддати ўтган қарздорликнинг ҳақиқий кўлами 8 баравар пасайди.

Ишлаётган аёллар ва ёшлар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси юқори бўлган бошқа ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишлари фаоллашди. Давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга фаол кўмаклашиб борилди, бундай дастурлар доирасида жамоа келишувлари ва шартномалари орқали жами 3 млн. 264 минг нафар фуқарога 86,5 млрд. сўмлик ижтимоий кўмак берилди.

Барча даражадаги касаба

уюшма органлари қошида Ёшлар кенгашлари ҳамда Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари тузилмоқда.

Касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш қонундан кўтарилди. Вояга етмаганларни меҳнатга маъмурий йўл билан мажбурлаганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилиши болалар меҳнатининг ўта ёмон

да жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш йўлида қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Янги санаторийлар қурилиши ва фаолият кўрсатаётганларининг модернизация қилиниши, касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида кадрлар янгилашиши, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришда сифат ўзгариши учун лозим бўлган

шарт-шароитни яратди.

Ўтган даврда санаторийлар, дам олиш уйлари ва санаторий-профилакторийларда 658 минг нафарга яқин ходим ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилди. Барча турдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 1 млн. 222 минг нафардан зиёд, шу жумладан, Оролбўйи минтақасида яшовчи болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари соғломлаштирилди.

Ижро интизомининг мустаҳкамлашиши Федерация ҳамда унга аъзо ташкилотларнинг молиявий аҳволини яхшилаш ва мулкни кўпайтириш, улардан низом вазифаларини адо этиш йўлида самарали фойдаланиш имконини берди. Спорт иншоотлари, ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари бинолари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг янгилиги қурилди, фаолият кўрсатаётганлари реконструкция қилинди.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни кенгайтириш ҳамда кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш йўли билан касаба уюшмаларининг тадбиркорлик фаолиятига асос солинди, натижада мингдан ортиқ янги иш ўринлари вужудга келди.

Федерация Кенгаши, Федерацияга аъзо ташкилотларнинг халқаро фаолияти Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ва Глобал Федерациялар билан ҳамкорликни давом эттиришга йўналтирилди. Ривожланган ва МДХ мамлакатлари касаба уюшмалари марказлари билан икки томонлама алоқалар мустаҳкамланди. Бир қатор халқаро илмий-амалий анжуман ва семинарлар ўтказилди.

Сунгги йилларда ташкилий ишларни янада такомиллаштириш, Федерацияни мустаҳкамлаш, касаба уюшмалари кадрларини янгилаш борасида амалий қадамлар қўйилди.

Касаба уюшма аъзолари сонининг қисқариш жараёни тўхтатилди, аъзолар яқка тартибда рўйхатга олинishi учун барча шарт-шароитлар яратилиб, нодавлат сектори корхоналарида касаба уюшма ташкилотларини тузиш ишлари жадаллаштирилди, бошланғич ташкилотлар фаолларини ўқув билан қамраб олиш даражаси ўсди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари замирида касаба уюшма тузилмаларини ҳар томонлама ахборот билан таъминлашнинг ягона тизими барпо этилди, касаба уюшмалари Федерациясининг веб-сайти ишлаб турибди.

Ахборот

Раёсат йиғилиши

Кеча Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда касаба уюшмалари фаолиятига доир масалалар муҳокама этилди.

Жумладан, «Ўзбекистон Авиация ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва унинг қўйи ташкилотларида касаба уюшмаси бюджетининг сарфланиши тўғрисида»ги масала муҳокамасида бу борада муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилиб, йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Касаба уюшмалари органлари томонидан 2010 йилнинг етти ойи давомида нодавлат сектори тизимидаги хўжалик субъектларида касаба уюшмасининг янги ташкилотларини тузиш, ходимларни аъзоликка жалб этиш юзасидан олдинга қараб силжиш юз берганлиги кузатишмоқда. Президентимиз томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши келгусида бу борадаги ишларни изчил яхшилаб боришни тақозо этади.

Айни пайтда касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларининг меҳнат бозоридан юз бераётган жараёнларни ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиниши борасидаги ҳуқуқлари амалга оширилишига кўмаклашиш масаласи ҳамда «Ўзбекистон Касаба уюшмалари бозор муносабатлари шароитида (2010 й.)» мавзусидаги социологик тадқиқот натижаси касаба уюшма фаоллари учун ҳаракат майдони ниҳоятда кенглиги ва хилма-хиллигини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида ташкилот фаолиятини амалий-таҳлилий асосда кучайтириш имконини беради.

Раёсат йиғилишида касаба уюшмалари фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Ўз сўзи ва ўрни бор

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Гурлан туман кенгаши раиси вазифасида ишлаётганимга ўн икки йилдан ошди. Кенгашимиздаги 16291 нафар аъзонинг ҳар бири касаба уюшма кўмаги, куч-қудратини ҳис қилиб яшаши учун ҳаракат қиламан.

Тасарруфимизда 24 та ташкилот фаолият кўрсатади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ҳар бир қишлоқда бошланғич ташкилот тузилгани ва улар шу ҳудуддаги фермер хўжалиқларини бирлаштиргани фаолиятимизни янада яхшилаш имконини берди. Бошланғич ташкилот раҳбарлари билан доимий мулоқотда бўлиб, аъзолар ҳаёти ва фаолияти, кундалик уй-ташвишлари билан яқиндан танишиб борамиз.

Мисолларга мурожаат қилсам. Бу йил жамоа шартномалари орқали 310 ишчи-хизматчи иш ҳақига 7 млн. 374 минг, зарарли ва оғир шароитларда ишлагани учун 150 кишига 9 млн. 809 минг сўм қўшимча устама, 154 нафар аёлга туғиш олдидан ва кейинги нафақаларига 3 млн. 799 минг сўм миқдорда қўшимча ҳақ тўланди. 170 нафар аъзომиз корхона маблағлари ҳисобидан саёхатларга олиб чиқилди. 400 кишига имтиёзли ва бепул овқатланиш маблағлари корхона ҳисобидан қопланди. 670 ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Бундай рақамларни узоқ давом эттиришим мумкин. Умуман эса, жамоа шартномалари ижроси учун 2010 йилнинг биринчи ярмида 237 млн. 780 минг сўм маблағ сарфланди.

Бу йил туманимиз пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш шартномавий режасини адо этишга муваффақ бўлди. Касаба уюш-

малари томонидан фидоий ва захматкаш пахтакорлар меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. 280 теримчи Марказий Кенгаш фахрий ёрликларига сазовор бўлди.

Аъзоларимизнинг бўш вақтларини сермазмун ташкил қилиш мақсадида маданий ва спорт тадбирларини мунтазам равишда ўтказиб келяпмиз.

Ҳеч бир мурожаат жавобсиз қолмаслигига ҳаракат қилапмиз. Бахтиёр Жуманиёзовга иш берувчи томонидан тўланмаган 729 минг сўм, Ўрозбой Бекчанов, Ислоҳ Ҳаллиевга қўшимча нафақа ундириб берилди. Аъзоларимиздан Муҳаббат Ўрозметова, Давлатбой Қараевга касаба уюшма маблағлари ҳисобидан қорамол олиб бердик.

Албатта, аъзоларимиз ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келяпмиз. Бу йил 9 аъзо касаба уюшмалари, 49 аъзо эса иш берувчи маблағлари ҳисобидан санаторийларда дам олдирилди. Фарзандларимиздан 72 нафари ёзги таълини сўлим гўшаларда ўтказишига иш берувчилар билан биргаликда бош-қош бўлди.

Камтарин меҳнатимиз эвазига «Эҳтиром нишони»га сазовор бўлганим янада масъулият билан ишлашга даъват қилмоқда.

Жумабой ҚОЗОҚОВ,
«Эҳтиром нишони» совриндори

Кафолатланган иш ҳақи

Бугунги кунда касаба уюшмалари олдида қўйилган стратегик мақсадлардан бири — ишчи-ҳодимлар ва уларнинг оиласига иқтисодий эркинликни таъминловчи, дам олиш ва етарли шарт-шароитда унумли меҳнат қилиш имконини берувчи муносиб иш ҳақи тўланишига эришишдир.



Вилоятимизда иш ҳақидан бўлган қарздорликни камайтириш муаммоларини ҳал этишда шаҳар, туман, ташкилот ва корхоналардаги жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисобот олиниб, тегишли чора кўриш йўлга қўйилган. Ўтган беш йил ичида иш ҳақидан қарздорликни камайтириш бўйича иш берувчилар номига вилоят касаба уюшма органлари томонидан 1368 та талабнома киритилган.

Бирлашмамиз маъмурий ва ҳуқуқий органлар билан ҳамкорликда иш ҳақини ўз вақтида тўлаш юзасидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш ва камчиликларни бартараф этишга кучли эътибор қаратмоқда.

Анвар ЮНУСОВ,
Фаргона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Юксалиш

Касаба уюшмаларининг баркамол авлодни тарбиялаш, етук мутахассислар сафини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракати таҳсинга сазовор. Жамоат ташкилотининг устама стипендиялари ҳамда қатор хайрия маблағлари ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда.

Ёш авлод тарбиясининг жонқуярлари бўлмиш таълим ва фан соҳасида фаолият олиб бораётган фидоийлар номидан гапирар эканман, касаба уюшмалари билан ҳамкорликда олиб борилаётган турли тадбирлардан ташқари, ўқув-

чиларни ҳам рағбатлантирувчи лойиҳалар ташкил этишни тақлиф қилган бўлардим.

Зеро, юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни айнан бугунги авлод ўз зиммасига олади. Бу ҳақиқат нуфузли ташкилотнинг устувор мақсадларидан бўлиб қолишига ишонаман.

Гулчеҳра ҚАЙУМОВА,
Наманган вилояти Тўрақўрғон туманига қарашли 33-мактаб директори



Эътироф

Али Амер Исмаил Исса, Миср Араб Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши президентининг ўринбосари (2009):

—Миср Араб Республикаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида ўхшашлик кўп. Бизда ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, қонунчилик юзасидан ҳимоя каби масалалар жамоа келишувлари орқали амалга оширилади. Айниқса, аёлларнинг ролини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кам таъминланган, кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш аънамага айланган.

2008 йил — «Ёшлар йили»да таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Фан, тараққиёт ва ёшлар» илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Конференция мақолалари тўплам тарзида чоп этилди. Мен ҳам ўз мақолам билан бу тўпланда иштирок этдим. Айтишим мумкинки, бундай илмий-амалий конференциялар мен ва мен каби илмий фаолият олиб бораётган ёшлар учун жуда муҳимдир.

Айнан шундай амалий тадбирлар кўпроқ ташкил этилса, талаба ёшларнинг илмий фаолияти учун кўмак ишлари олиб борилса, ўйлайманки мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки ҳисобот учун ўтказиладиган йиғинлардан кўра, касаба уюшмалари ҳамкорлигида «Йилнинг энг яхши ғояси», «Йил талабаси», «Йилнинг энг малакали ўқитувчиси», «Ёш тадқиқотчи» каби

Бизни ватан кутмоқда

лойиҳалар ташкил этилса, унда иштирок этиб голиб бўлганлар тақдирланишса — буларнинг ҳаммаси ёшларнинг ижтимоий фаолияти жадаллашишига ёрдам беради.

Жорий йилнинг март ойида Қарши Давлат университетини ходимлари ва талабалари касаба уюшмаси кўмитаси ташкилоти негизда алоҳида ходимлар касаба уюшмаси кўмитаси ва талабалар касаба уюшмаси кўмитаси ташкилоти тузилиб, фаолият юрита бошлади. Эндиликда талабалар касаба уюшмаси «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорликда

ёшларнинг ҳақиқий қанотига айланди, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилот бўлди.

Биз ёшларнинг олдимишга қўйилган асосий вазифа баркамоллик сари интилишдир. Бу борада сеvimли шоиримиз Ғафур Фуломнинг «Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди, билиб қўйки, сени Ватан кутади» мисралари ҳаётий шиоримизга айланмоғи керак.

Нилуфархон АББОСҲОНОВА,
Президент стипендияси соҳиб, Қарши Давлат университети талабаси

«ХОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ»да республикамиздаги 49 та қариялар, ногиронлар, «Саховат», «Мурувват» ҳамда «Меҳрибонлик» уйлари оталиққа олинди. Уларга 135 миллион сўмлик кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, доридармон, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, бадий адабиётлар, ўқув қуроллари, дарсликлар ҳомийлик ёрдами сифатида топширилди.

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ»да кам таъминланган оилалар, ногиронлар, пенсионерлар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож кишиларнинг 127 минг 776 нафарига моддий ёрдам берилди. Қорақалпоғистон Республикасидаги «Чимбой», Андижон вилоятидаги «Чувама» қишлоғидаги кам таъминланган оилалар, Қарши туманидаги «Мурувват» ва «Саховат» уйларига 21 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

«ЁШЛАР ЙИЛИ»да янги йил байрами муносабати билан «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернат тарбияланувчилари ҳамда ёлғиз оилалар фарзандларига 365 миллион сўмлик совғали чипталар тарқатилди. «Наврўз» байрами арафасида 4042 нафар болага ўқув қуроллари топширилди. 857 нафар иқтидорли талаба ва ўқувчилар учун касаба уюшмаларининг устама стипендиялари таъсис этилди.

«ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ»: «Наврўз» ва Мустақилликнинг 18 йиллик байрамларида кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг 965 нафарига кийим-кечак, доридармон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўқув қуроллари топширилди. 3174 нафар киши моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. 3473 нафар кишига йўлланмалар ажратилди.

«БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ»да кам таъминланган оила фарзандларига, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига арча байрами учун 294,3 миллион сўмлик совғали чипталар олиб берилди. Театр томошалари, турли саёҳатлар уюштирилди. «Наврўз» умумхалқ байрами арафасида аҳолининг кам таъминланган қисмига ва ўқувчи-ёшларнинг 43.901 нафарига 787,5 миллион сўмлик кийим-кечак, доридармон, ўқув қуроллари олиб берилиб, йўлланмалар ажратилди. «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Саховат» уйларига эса 69,7 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Жорий йилдаги ҳисобот-сайловларда куйи бўғин касаба уюшма ташкилотлари таркибини янгилашга асосий эътибор қаратилди. Шу жумладан, бошланғич ташкилотларнинг етакчиларидан 28 фоизи (9329 киши), касаба уюшма гуруҳи ташкилотларининг 54,8 фоизи (43.096 киши), цех ташкилотлари раисларининг 50,2 фоизи (12.524 киши), касаба уюшма кўмиталари аъзоларининг 38,9 фоизи (55.465 киши) янги сайланганларни ташкил этди.

Аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш мақсадида касаба уюшмалари раҳбар лавозимларига хотин-қизларни тавсия этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ҳисобот-сайловлар якунига кўра, бошланғич ташкилотлар раисларидан 15,43 таси ёки 45,7 фоизини, касаба уюшма гуруҳи ташкилотларининг 45 фоизи, цех ташкилотлари раисларининг 43 фоизини аёллар ташкил этди.

Истиқлолга эришганимизга қарийб 20 йил тўлаётир. Шу вақт мобайнида мамлакатимизда мислсиз ўзгариш ва юксалишлар содир бўлди. Тараққиётимизга ҳисса қўшаётган юртдошларимиз эса, албатта, муносиб тақдирланмоқда.

Айниқса, касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилаётганлар, фаол аъзолар орасида давлатимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлганлар кўпчиликини ташкил этади. Хусусан, V Қурултой делегатлари орасида «Олмалик ТМК» ОАЖ «Қалмоққир» кон бошқармаси экскаватор машинисти Сайдали Раҳмонов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Эсанбой Ражабов «Фидокорона хизматлари учун» ордени, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Алик Нурутдинов «Дўстлик» ордени билан тақдирланган бўлса, энг ёш делегат — Қарши давлат

университети талабаси Нилуфар Аббосхонова Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатидир.

Шуни алоҳида эътироф этиш керак-ки, 2004 йил 24 мартда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром нишони»ни таъсис этиш тўғрисида Раёсат қарори қабул қилинган. Ушбу нишон мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ва маданиятини юксалтиришда, шунингдек, амалга оширилаётган иш-лохотларда фаол иштирок этаётган меҳнаткашлар манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиб, касаба уюшмаларининг нуфузини янада оширишга салмоқли ҳисса қўшаётганлар хизматини муносиб баҳо-

Қаҳрамонлар сафимизда

Эътибор

лаш мақсадида ҳар йили бериб борилади. Шу боисдан тақдирланувчилар касаба уюшма органларида камида 5 ёки шу тизимда жамоатчилик асосида 10 йил фаоллик кўрсатган бўлиши лозим. Ҳозирга қадар Республика миқёсида намуна кўрсатган 113 нафар касаба уюшма фидойиси «Эҳтиром нишони» билан тақдирланди. Хукуматимиз ва касаба уюшмалари томонидан қаратилаётган бундай эътибор тизимда меҳнат қилаётган ҳар бир ходимга рағбат бериш баробарида, фаол ва фидойилар сафини янада кенгайтириши шубҳасиз.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Эътироф

АГНЕСКА ГИНАРАРУ,
касаба уюшмалари Халқаро конфедерацияси эксперти (2009):

— Касаба уюшмаси тизимидаги тажрибам шуни кўрсатдики, айнан бирдамлик ва бир-бирини тушуниш, дўстона мулоқот ижобий натижаларга олиб келади. Ўзбекистонда ўтган ҳар бир кунимиз таассуротларга бой бўлди. Жамоа музокараларида гендер тенглик масалаларига қай тарзда ёндашиш борасидаги кўрсатмаларимиз, амалий машғулотлар келгусида самара беради деб, умид қиламиз.

Меҳнат муҳофазаси

Бугунги кунда Ўзбекистон КУФК тизимидаги меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар корхона ва ташкилотларнинг қарийб 24 мингта касаба уюшма кўмитасига хизмат кўрсатиб келмоқда. Фаолияти ўрганилган корхоналарда ҳар йили меҳнат қонунчилиги ҳамда меҳнат муҳофазасига оид қоида ва меъёрларнинг 30 мингдан ортиқ ҳолатда бузилишлари аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тақлифлар берилади ва улардан 80-85 фоизи касаба уюшмалари фаолларининг аралашуви билан барҳам топади.



Қулай ва бехатар

меҳнат шароити иш унумини оширади

Бугина эмас. Корхона ва ташкилотларда иш берувчилар билан тузилган жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича йилга 200 минг атрофида чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг 90 фоиздан ортиғи бажарилади. Агар ЎзКУФК раёсатининг 2007 йил 10 майдаги 5-13 сонли қарори билан Федерация кенгаши аппаратида «Меҳнатни муҳофазаси қилиш» бўлими ташкил этилганлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгашларида ҳам шундай бўлимлар фаолият кўрсата бошлаганлигини назарда тутадиган ва юқорида зикр этилган рақамларни учга кўпайтирадиган бўлса, қанчалар кенг қўлаб кўз ўнгимизда намоён бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Охирги йилларда қисқартирилиб юборилган Алоқа ходимлари ҳамда Қурилиш ва қурилиш ашёлари санюати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашларида меҳнатни муҳофазаси қилиш хизматлари қайта тикланганлиги ҳам айтиш мумкин бўлди.

Мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларининг ўзгариши, янги технология ва жараёнларнинг кириб келиши ўз таъсирини ўтказмоқда, албатта. Энди буларни ҳисобга олиб иш тутмаса бўлмайди. Барча корхоналар учун меҳнатни муҳофазаси қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидалар белгилаб қўйилиши зарур. Бу давр талаби, эртанги кун олдимизга қўяётган вазифалардан бири ҳам шу.

Бинобарин, Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 2000 йил 12 июлда 267-сонли «Меҳнатни муҳофазаси қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофазаси қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури», 2007 йилнинг 5 июлида 06\7-717-сон билан тасдиқланган «Саноат хавфсизлиги соҳасида меъёрий-техникавий ҳужжатларни тайёрлаш ва тасдиқлаш графиги»га биноан меҳнат муҳофазаси бўйича ишлаб чиқилган 100 дан ортиқ қоида ва йўриқномалар атрофлича таҳлил этилиб, улар юзасидан тақлифлар берилди.

Корхоналардаги иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, ходимлар саноатлиги таъсир этувчи зарарли омилларни камайтириш, ходимларни санитария-маиший хоналар ва қурилмалар билан тўлиқ таъминлашга айрим иш берувчилар томонидан панжа орасидан қараб келинаётганлиги билан энди муроса қилиб бўлмайди. Касаба уюшма органлари, айниқса, бошланғич ташкилотлар кўмиталари раислари фақат қулай, бехатар меҳнат шароитида ишлаётган ходимларнинг иши унумли бўлиши, унумли меҳнатдан эса ходим ҳам, иш берувчи ҳам, қолаверса, касаба уюшма ташкилоти ҳам бирдек манфаатдор эканини ёддан чиқармасликлар лозим.

Ўрол АДИЛОВ,
ЎзКУФК Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими мудири

Маданият ва спорт

Эзгу мақсад сари

Мамлакатнинг халқаро жамоатчилик олдида обрўга эга бўлишида, шубҳасиз, ўша юртнинг маданияти ва спорти муҳим ўрин тутди. Шу боис, маданият ва спорт иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, исътедодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор аҳамият касб этади. Юртимизда бу борада улкан ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам бунга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Бу аввало, маданият ва спорт иншоотларини барпо этиш ва реконструкция қилишда кўринади. Бундан ташқари, касаба уюшма спортчиларининг халқаро мусабоқаларда улкан ютуқларга эришаётгани ҳам таҳсинга лойиқ.

Шу ўринда айрим мисолларга мурожаат этсак, 2007 йил Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида мактаб ўқувчилари ва хотин-қизларни соғломлаштириш мақсадида «Ёшлик» сув ҳавзаси, 2008 йилда Навоий вилояти Хатирчи туманида меҳнаткашларнинг соғлигини тиклаш мақсадида «Олтинсой» санаторийси қуриб, ишга туширилди.

Шунингдек, 2008-2009 йилларда Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Чимён қишлоғида 7-14 ёшгача бўлган болаларнинг ёғи мавсумда, мактабдан бўш вақтда соғлиқларини тиклашга мўлжалланган «Кўёшли» болалар соғломлаштириш маскани, 2009 йилда Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари арафасида 1-академик лицейи, 2008-2009 йиллар Сурхондарё вилоятида «Делфин» сув ҳавзаси ва «Алпомиш» спорт стадиони таъмирдан чиқарилди. 2007-2009 йилларда Республика касаба уюшмалари тасарруфидаги 14 та соғломлаштириш маскани қайта таъмирланиб, жиҳозланди.

Бу каби эзгу мақсад йўлида қилинган ва қилинаётган хайрли ишлар аслида сони билан эмас, ёш авлодга, халқимизга кўрсатаётган хизмати билан ўлчанади.

Турли маданият фестивали, спорт тадбирлари эса замонавий ва мухташам, барча қулайликларга эга қошоналарда тарбияланаётган истеъдодли ёшлар учун маҳорат кўриги вазифасини ўтамоқда. Бир сўз билан айтганда, ушбу саъй-ҳаракатлар келажакда, албатта, ўз мевасини беради.

Акмал ЭРГАШЕВ

Дил изҳори

Муборак газни қайта ишлаш заводида кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб, кадр топган, «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони ва «Олтин юлдуз» нишони билан мукофотланган замондошимиз, темирчи уста Қобил Мўминов шундай ҳикоя қилади:

Қалбим
фахргатўла

— 1972 йил заводнинг 10-рақамли экспериментал таъмирлаш механика цехига ишга кирдим. Турли йилларда цехда технологик қурилмаларни таъмирлаш бўйича чилангар, темирчи, болға ва пресс билан ишловчи темирчи, цех бошлиғи ўринбосари, участка бошлиғи, цех бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимларида ишладим.

Эни 12-15 метр, бўйи 25-30, баландлиги 6-7 метр атрофидаги устахона тўрида улкан печ бор. Унда табиий газ — зангори олов ёнапти, ичидаги ҳарорат минг даражадан юқори. Печ ёнида бири 500, иккинчиси 1200 оғирлик билан урадиган иккита босқон. Хуллас, темирчилик — энг машаққатли касблардан бири. Кўплаб шогирдларим бор. Хусан Маматов, Умид Остонов, Самад Эшдавлатов каби темирчи усталар меҳнати таҳсинга лойиқ.

Юртимизда мустақиллик туфайли бошқа соҳалар сингари касаба уюшмалари фаолияти ҳам шаклан ва мазмунан бойиди. Ўзим ҳам бир вақтлар цех касаба уюшма кўмитаси етакчиси бўлиб ишлаганим боис, ишчи-ходимларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилишда, соғлиқларини тиклаб, янада самарали меҳнат қилишида касаба уюшмаларининг ўрнини муҳим, деб биламан.


Завод касаба уюшма кўмитаси расиси Ақром Ҳамроев изланувчан, заҳматкаш йигит.

Ишчи-ходимлар соғлиғи доимо назоратда. Республиканинг сўлим санаторийларига йўланмалар ажратилиши, заводга қарашли тиббий тозалик қисми ҳамда санаторий-профилакторийнинг ишлаб туриши айти мудоао. Бундан ташқари, ходимлар ёзги дам олдириш мавсуми тугагач, завод тасарруфидаги «Нихол» болалар оромгоҳида ҳам ҳордиқ чиқаришади. Завод иссиқхонасида етиштирилган лимон, полиз маҳсулотлари, кўкатларнинг ходимларга бепул тарқатилиши ҳам гамхўрликнинг бир намунаси... Мунтазам ўтадиган спорт тадбирлари, қадимий шахарларга саёҳатлар бўш вақтимизга мазмун бағишлайди.

Бундай инсонпарвар мамлакатда яшаётганимдан, ходимларини ардоқлайдиган корхонада ишлаётганимдан фахрланаман.

«Ishonch» муҳбири
Акмал АБДИЕВ ёзиб олди

Рағбат

Самарали
фаолият гарови

Корхонамизда 7220 нафар ишчи-ходим хизмат қилмоқда. 26 та цех касаба уюшма кўмиталари ходимларни ҳар қандай шароитда қўллаб-қувватлаш учун кеча-кундуз ҳаракат қилишади. Маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида жамоа шартномаси имзоланган бўлиб, унга асосан рағбатлантириш, спорт, соғломлаштириш, маданий-маърифий ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, ходимлар саломатлигини назорат қилиш мақсадида махсус график асосида тиббий кўрик ўтказиб бориш йўлга қўйилган. Кўрик натижасида касаллиги аниқланган ходимлар маъмурият ва касаба уюшма маблағи ҳисобидан бепул даволанади. Шу боис, тиббиёт клиникаси билан шартнома имзоланган.

Ташкилотимизда йўлга қўйилган ишлар муносиб эътироф этилаётгани кўнгилни кўтарди. Бўёқлаш цехида техник хизмат кўрсатиш хонасига иш жойларида бўлаётган носозликларни билдириб турувчи мослама кўйишни тақлиф қилдим ва бу амал-

га ошди.

Тармоқ Марказий кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши жамоатчилик назоратини ташкил этиш» Республика кўрик-танловининг 2009 йил якунига кўра, «Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили» номинациясида голиб деб топилдим.

Шунингдек, Марказий кенгаш «Ўзавтосаноат» АК билан ҳамкорликда ташкил этган «Ишчиларга хавфсиз иш шароитлари яратиш, ишлаб чиқариш эстетикаси ва маданиятини яхшилаш» Республика кўрик-танловининг «Ишчиларга хавфсиз иш шароитларини яратиш,

юқори ишлаб чиқариш эстетикаси ва маданиятини яратган энг яхши бригада» номинацияси бўйича корхонамизнинг автомобил бўяш цехи, «INSPECTION» бригадаси 2009 йил голиби дея эътироф этилди. Касаба уюшмалари ва маъмурият томонидан қаратилаётган бундай эътибор нафақат бригадамиз вакиллари, балки корхонанинг барча ишчи-ходимларида ўз кучи, билим ва салоҳиятига ишончли орттирмоқда. Бу эса самарали фаолият гаровидир.

Абдусит
АБДУРАЗЗОҚОВ,
«GM-O'ZBEKISTON»
ЕАЖ Бўёқлаш цехи
вакили

Эътироф

ЯСНА ПЕТРОВИЧ,
касаба уюшмалари Халқаро конфедерацияси бутун Европа минтақавий кенгаши хотин-қизлар тармоғи миллий координатори (2009):

— Барча давлатлардаги касаба уюшмалари олдида қўйилган вазифа замондошларимизни ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган. Ўзбекистонда эса бу янада яққол акс этади. Юртингизда касаба уюшмаси билан қамраб олинмаган соҳани ҳали учратмадим. Айниқса, аёллар ва ёшлар билан боғлиқ масалаларга касаба уюшмасининг алоҳида ёндашуви бизни қувонтирди.

Етакчи минбари

Юксалиш йўлида

Бугун касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли фаолиятнинг бир жиҳати миллий истиқлол гоёларини кенг тарғиб қилиш, ёшлар қалбида она Ватанга меҳру муҳаббат, аждодлар меросидан фахрланиш туйғусини шакллантиришга қаратилган.

Бизнинг бирлашган кўмитамиз томонидан ҳам бу борада қатор режалар белгиланиб, улар ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бугунги кунда туман касаба уюшма бирлашган кўмита тасарруфида 54 та бошланғич кўмита фаолият қилиб, касаба уюшма аъзолари сони 4007 нафарни ташкил этади. Уларнинг саксон беш фоизини педагог ходимлар ташкил этади. Ёшларга таълим-тарбия берадиган педагогнинг ўзи юксак инсоний фазилатларга эга бўлиши, салоҳияти

чуқур, маънавий дунёқараш теран бўлиши — замон талаби. Инсон жамиятнинг фаол аъзосига айланиши учун унда миллий гуруҳ, ифтихор, фаол фуқаролик позицияси бўлиши лозимлигини яхши биламиз. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда аъзоларимиз қалбида миллий истиқлол гоёлари чуқур илдиз отаётганидан қувонамиз.

Барча таълим муассасаларида маънавий-маърифий, гоёвий-мафкуравий тарғибот ишлари бўйича 2009-2010 йилларга мўлжалланган дастур тадбирлари асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари

асосида ташкил қилинган «Маънавият инсоннинг улғайиши ва куч қудрати манбаидир», «Мустақиллик — маънавий тикланиш ва юксалиш», «Ватанимиз тараққиётининг мустақам пойдевори» мавзуларидаги давра суҳбатлари шулар жумласидандир.

Олдимизда турган вазифа комил инсонни, ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали ва ватанпарвар ёшларни тарбиялашдир.

Ширин ЮСУПОВА,

Таълим ва фан ходимлари Богот туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси расиси

Ҳисобот даврида жамоа шартномалари мазмуни республикамизда юз бераётган иқтисодий ислохотлар, мамлакатни модернизация қилиш жараёнига мутаносиб равишда қуйидаги:

касаначилиқни ривожлантириш; мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланадиган жиҳозлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун корхона томонидан ходимларга ссудалар бериш; қатъий тежамкорликни жорий этиш, энергия ва бошқа ресурсларни тежаш бўйича корхоналарда кўрик-танловлар ўтказиш ва голибларни муносиб рағбатлантириш;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини корхона ҳисобидан соғломлаштиришни ташкил этиш каби бир қатор тадбирлар билан бойитилди.

Аъзолик афзалликларини асослаш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида 2007 йилдан шу кунга қадар республика бўйича жами 6569 та янги касаба уюшма ташкилоти тузилиб, 288 минг 952 нафар киши аъзоликка жалб этилди.

Шулардан 1511 таси цех касаба уюшма ташкилотлари бўлиб, уларда айти вақтда 60 минг 920 нафар аъзо ҳисобда турибди. Нодавлат сектори тизимидаги корхоналар раҳбарияти ва жамоа аъзолари билан ўзаро музокаралар олиб борилиши натижасида 64 та янги ташкилот тузишга эришилди. Уларда меҳнат қилаётган 7 минг 263 нафар киши аъзоликка қабул қилинди.

Жамоа шартномаларини тузган юридик шахслар улуши 2005 йилдаги 83,1 фоиздан 2009 йилга келиб 87,9 фоизгача кўтарилди. 2009 йил якунларига кўра, республикада 113 мингга жамоа шартномаси амал қилиб, уларда 4,9 миллион нафар ходимнинг, яъни 92 фоиз аъзоларнинг манфати акс эттирилган.

Амалдаги жамоа шартномаларининг 80 фоизидан кўп қисмига иш берувчи ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма кўмитасининг розилигини олиш лозимлиги тўғрисида банд киритилган.

Айти вақтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий (минтақавий) келишувлар амал қилмоқда.

Республика миқёсида 81 та тармоқ келишувлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсида 230 та, вилоятлар тасарруфидаги туман ва шаҳарларда эса 359 та ҳудудий тармоқ келишувлари тузилган. Барча келишувлар лойиҳалари касаба уюшма органларида экспертизадан ўтказилиб қабул қилинган, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги органларида билдириш рўйхатидан ўтказилган.

Ёшларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш мақсадида бошланғич ташкилотлар етакчилари таркибидан уларнинг сони оширилди. Янгидан сайланган бошланғич ташкилотлар етакчиларининг 14 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлганлар 68 фоизини 30-50 ёшлилар ташкил этади. 30 ёшгача бўлганларнинг салмоғи ошганлиги, айтиқса, касаба уюшма гуруҳи ташкилотчилари орасида (71,3 фоиз) кузатилди.

Ютуқлар ОМИЛИ

Ижодкорларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда танловларнинг аҳамияти катта. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ҳам бу борада салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ҳамкорлигида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» аънавий Республика танлови 2006 йилдан буён ўтказиб келинаётгани ҳам фикримиз исботидир. Мазкур танлов меҳнаткашлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, соғломлаштириш ва дам олдириш, оммавий спортга жалб этиш, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш борасида касаба уюшмалари ташкилотлари амалга ошираётган кенг қамровли ишларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган.

Ҳар йили тахририятимизга йўлланган ижодий ишлар: мақола, очерк ва лавҳалар газета саҳифаларида чоп этиб борилмоқда. Танлов профессионал журналистлар ҳамда касаба уюшма ташкилотларида бевосита фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида алоҳида-алоҳида ўтказилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арафасида эълон қилинади. 2006-2010 йилларда профессионал журналистларнинг 30 та ва ижодкор касаба уюшма фаолларининг 27 та ижодий иши ташкилий кўмита томонидан ғолибликка муносиб деб топилди, мукофотлар билан тақдирланди. Хусусан, профессионал журналистлар ўртасида Мухтарам Улуғованин «Ишонч — ҳурмат ифодаси» ва «Эл қувончи», Амина Қодированин «Тақдирни қўл билан яратур инсон...», Мухаббат Тўрабоеванин «Шуқуҳли тақдир», касаба уюшма фаолларидан Абдулла Саидовнин «Устоз отангдек улуг», Шавкат Султоновнин «Ишонч борки, таянч бор», Озод Хушназарованин «Сўроқлаб келишдими, демек ишонишади», Эйтиборхон Раҳмонованин «Етакчи» каби ижодий ишларини санаб ўтиш мумкин.

Йилдан йилга танловга тақдим этилаётган ижодий ишлар сони кўпаяётгани унинг нуфузи ошиб бораётганидан дарак беради.

Ёшлар йилида тахририятнинг хайрли ташаббуси билан ташкил этилган иқтидорли ёш ижодкорлар маҳоратини ошириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш мақсадида ёш қаламкашларнинг «Мен — ёшликман» ҳамда мамлакатни модернизациялаш шароитида нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантиришга доир энг яхши лойиҳалар учун магистр, тадқиқотчи ва аспирантлар ўртасида фан соҳасидаги изланишларни кучайтириш, яратиб берилган имкониятдан унумли фойдаланишни таъминлашга хизмат қилувчи «Эйтироф» гранти танловлари бўйича қатор ижодий ва илмий ишлар саҳифаларимизда ёритилди. Улар орасидан «Мен — ёшликман» танловида 3 та ижодий иш ва «Эйтироф» гранти бўйича 4 та тадқиқот ғолиб топилди, муносиб тақдирланди.

Баркамол авлод йилида бу йўналишда яна бир ташаббус амалга оширилди. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши билан ҳамкорликда «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» Республика танлови эълон қилиниб, бу борадаги ижодий ишлар газетамиз саҳифаларидан ўрин эгалламоқда. Танловга жорий йил охиригача мақолалар тақдим этилиб, улар орасидан ғолиблар аниқланади. Тақдирлаш маросими Ватан ҳимоячилари кунда ўтказилиши кўзда тутилган.

Истеъдод ҳамisha рағбатга эҳтиёж сезади. Қўллаб-қувватлашдан куч олганлар эса узоқ йиллар халққа хизмат қилиши шубҳасиз. Тахририятимизнинг бу йўналишдаги эзгу ишлари замирида ана шу мақсад ўз ифодасини топган.

Шерзод АБДУСАМАНОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма стипендиати

Суҳбатдошимиз Тунис Ҳожиёв 1987 йил 18 октябрда Жиззах вилояти Фаллаорол туманида туғилган. Ҳозир ЎзМУнинг фалсафа факултети тўртинчи босқич талабаси. 2008 йил сентябр ойидан бошлаб дорулфунуннинг фалсафа факултети талабалар касаба уюшмаси раиси. Навоий номидаги стипендия соҳиби ҳамда касаба уюшмаси стипендиати.

Ёш файласуф орзулари

— **Жамият ҳаётини касаба уюшмаларисиз тасаввур этиш қийин. Ушбу жамоат ташкилотининг ёшлар ҳаётидаги ўрни хусусида нималар дея оласиз?**

— Конституцияимизнинг 37-моддасида: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир», дейилган. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 16-моддасида ушбу ҳуқуқлар «касаба уюшмалари ҳамда ходимлар ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш билан» ҳам белгиланади. Шу маънода мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишга бурчлимиз. Бунинг учун ҳар бир йигит-қиз қонунларимизни мукамал билиши, унга таяниши, хусусан, касаба уюшмалари фаолиятида ўз ўрнига эга бўлиши зарур, деб ҳисоблайман. Мана, ўзимдан бир қиёс. Икки йилдан бери талабалар касаба уюшмаси раиси сифатида фаолият кўрсатиб келаяпман. Жорий йилнинг 13 февралда ЎзМУ талабалар касаба уюшмаси томонидан ўтказилган «Олтин давр ниҳоллари — 2010» тақдимот маросимида «Касаба уюшмаси тизимида энг самарали фаолиятни амалга оширган ТКУ раиси» номинациясида ғолибликни қўлга киритдим. Жорий йилнинг май ойида уюшма стипендианти бўлдим.

Меҳнатнинг ҳар томонлама кучли муҳофаза қилиниши инсон омилини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб

этади. Инсон ўз камолотига шу тахлит эришади. Суҳбатларимизда, учрашувларда касаба уюшмалари фаолияти мавзусига тез-тез тўхталамиз. Масалан, меҳнатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган стандартлари, қоида ва меъёрлари, меҳнат хавфсизлигининг қонунқоидалари, ишлаб чиқаришда юз берадиган жароҳатлар, касб касалликлари хусусида баҳс-мунозарага киришамиз. Ёшлар — бўлғуси раҳбар, олим, шифокор — жамиятимизнинг жон томирлари — бу борада назарий ва амалий тайёр бўлишлари шарт.

— **Мулоқот олдида қатор халқор ҳамда республикамизда бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияларнинг ҳам иштирокчиси эканлигингизни билиб олдик.**

— 2009 йили миллий ғоя фани бўйича Республика фан олимпиадасида биринчи ўринни олдим. 2010 йил 25 сентябрда улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий номидаги стипендия соҳиби бўлдим. Ҳозирда «Маънавиятни шакллантирувчи асосий мезонлар» мавзусидаги малакавий битирув иши устида ишлаяпман. Шунингдек, «Баркамол авлод — маънавий тараққиёт омили» номли республика илмий-амалий конференциясида «Глобаллашув жараёнининг ёшлар маънавиятига таъсири» мавзусидаги маърузам билан қатнашдим. Россия Федерацияси, Эрон, Қозоғистон республикаларида бўлдим. Хорижий ҳамда миллий матбуотимизда 20 га яқин илмий мақолаларим чоп этилган.

Яхшилик нур келтиради, ёмонлик — зулмат, дейди доно халқимиз. Ўзбекистоннинг келажаги яхшилик пойдеворида қурилмоғи шарт. Чунки фақат яхшилик боқий яшайди. Одамларнинг одамларга яхшилиги! Бу Ўзбекистоннинг шioriғагина эмас, даъватиға, хислатиға айлансин.

Яхшилик қилган миллатни ҳурматлаш, яхшилик қилган авлодни эъзозлаш тафаккур олами-нинг қуёшиға айлансин. Маънавият эса — бу ўзини ўзи сайқаллаштириш каби узлуксиз ички меҳнат жараёнидир. Биз ёшлар тафаккуримизни ушбу ҳодисани чуқур англамоқдан бошлашимиз керак. Ҳалол меҳнат қилиб, нон топиш тушунчаси халқимизнинг азалий қадриятидир. Биз эса ушбу миллий қадриятларга доимий амал қилмоғимиз зарур, деб биламан. Маънавий тарбия, билимга муносабат, меҳнатга кўникма ҳосил қилиш умуман барча гўзал хислатлар, оилада дунёга келади. Чунончи, ёшларни маънавий буҳронлардан асраш масаласиға юртбошимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ҳар бир инсоннинг қандай инсон эканлиги, камолот даражаси унинг бошқаларга муносабати билан ҳам белгиланади.

— **Келгусидаги режалангиз?**

— Баркамол авлодни шакллантиришда миллий ғоя ва мафқуранинг ўрни мени жуда кизиктиради. Унинг фалсафий илдилари тарихимизнинг олис қатламларига бориб тақалади. Келгусида шу юрт фарзанди сифатида унинг ривожига озми-кўпми ҳисса қўшсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблаган бўлардим.

— **Орзуларингиз рўёбга чиқишида тилақдошимиз!**

Нозимaxon РАҲИМОВА,
«Ishonch» мухбири



«Тўмарис издошлари»

Шарқия Эшжонова. Бу исми кўпчилик хавас билан тилга олади. Уни «Тўмариснинг муносиб издоши» дея таърифлашади. Серқирра ижодкор, изланувчан ўлкашунос аёл эндиликда ўзини ажойиб устоз сифатида ҳам намойиш этаяпти.

У 2007 йилда «Тўмарис издошлари» журналист аёллар клубини ташкил қилганди. 2008 йилда эса «Ёшлар йили» муносабати билан клуб қошида «Маҳорат мактаби» фаолият бошлади. Унда «Ёш мухбир», «Ёш шоир»,

«Ёш рассом», «Ёш дизайнер», «Ёш ўлкашунос-тарихшунос» тўғрақлари сайёр ҳолда ташкил қилиниб, вилоятдаги барча мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида машғулотлар олиб бориш йўлга қўйилди. Ҳа, ўндан зиёд адабий-бадиий китоби билан элга танилган Шарқия Эшжонова ёш истеъдодларни кашф қилишга жиддий бел боғлаган.

— 2008 йилда «Маҳорат мактаби» миз ёш ижодкорлари «Ishonch» газетасида «Ёшлар йили» муносабати билан эълон қилган «Мен ёшликман» танловида ғолиб бўлди. Ўтган йили эса «Тонг юлдузи» газетасининг дипломига сазовор бўлдик. Бундан шогирдларимнинг қувонганини кўрсангиз эди, — дейди Шарқияxon.

У вилоятдаги аёллар ва ёшларнинг

истеъдодини намойиш этиш мақсадида «Тўмарис авлоди» газетасини ташкил қилди. Кўп ўтмай, газета хоразмликларнинг сеvimли нашрларидан бириға айланди.

— Ҳаётимда кўплаб истеъдодларни учратганман. Аммо баъзилар турли сабабга кўра ўз истеъдодини рўёбга чиқара олмайди. Шундай пайтда қани энди менда имкон бўлса-ю, ёрдам берсам деб, ўйлаб қолардим, — дейди Шарқия. — Ёшларимиз орасидан Навоий, Огаҳий, Нодирабегим, Зулфияxonимнинг муносиб издошлари чиқишини истайман ва бунга имкон даражасида кўмаклашишга интиламан.

«Маҳорат мактаби»нинг Ғулноза Умирова, Гўзал Ўзбекова, Ёрқини Эрназарова каби тингловчилари эндиликда Зулфия номидаги Давлат му-

кофоти соҳибалари. Шунингдек, Муштарийбегим Сейитмаматова «Келажак овози» кўрик-танлови ғолибига, Шерзод Рўзметов «Янги авлод» фестивалида грант соҳибига айланди. Нилуфар Ражабова ва Иқлима Матқурбонова эса ижоди билан воҳада анчайин танилиб қолишган.

«Маҳорат мактаби» тингловчилари Тўхтажон Полванова, Ойдиной Абдушарипова, Мумтозбегим Абдушарипова, Мухаммадали Бахтиёр «Янги авлод» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиблар сафидан жой олиб, республика босқичиға йўллангани қўлга киритгани Шарқия Эшжоновани яна бир қарра хурсанд қилди.

Мухаббат ТўРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Мурожаат замирида

Ишонч бор



Ноҳақликка учраган ёки қандайдир муаммосини ечишда ёрдам сўраган кишининг дардига қулоқ тутиш, ундан зарур кўмакни аямаслик ҳақиқий инсонпарварлик саналади. Мамлакатимизда катта обрў ва нуфузга эга Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолиятига назар ташласак, бундай олижаноб ишлар кўплаб амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Касаба уюшмалари аралашуви ва бевосита кўмаги билан минг-минглаб фуқаролар, касаба уюшма аъзоларининг турли масалаларда қилган мурожаатлари ижобий ҳал этилганлиги фикримиз исботидир.

Ушбу йўналишда самарали натижага эришилишининг бош омили касаба уюшмалари фаолиятида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш механизми мукамал йўлга қўйилганлиги билан боғлиқ. Шуниси аҳамиятлики, касаба уюшма ташкилотларига тааллуқли бўлмаган бирор-бир муаммо йўқ. Ҳар қандай масала юзасидан ташкилот эшигини қоққан киши ортига умидсиз қайтмайди.

Ҳисобот даврида касаба уюшмалари органларига тушган шикоят ва аризалар таҳлили мурожаатлар мазмуни ўн бешга яқин йўналишни қамраб олганлигини кўрсатади. Хусусан, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, аҳоли ва корхоналардан солиқлар олиниши, хўжалик органлари ва ман-

сабдор шахслар фаолиятидаги камчиликлар, иш ҳақига доир ва мукофотлаш ёки меҳнатни меъёрлаштиришни ташкил этиш, меҳнат дафтарчаларини юритишни тартибга солиш, ишдан бўшатилиш ва бошқа ишга ўтиш, аҳолининг иш билан бандлиги, ихтисосни ўзгартириш ва ишсизлик, иш ва дам олиш тартибига доир, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрларининг бузилиши, атроф-муҳит экологиясига оид, аёллар ва ўсмирларнинг меҳнат шaroитлари, ишлаётган ва билим олаётган ёшларни, болаликни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, далолатномалар тузилиши ва етказилган зарарлар ўрнини қоплаш сингари масалалардаги мурожаатлар касаба уюшма ташкилотлари томонидан ўрганилди.

Бирор-бир масалада мурожаатлар сонининг кўп ёки камлиги шу соҳада қай даражада муаммолар мавжудлигини акс эттириш билан биргаликда мурожаат қилинувчи ташкилотнинг амалий фаолият орқали кишилар ишончига кирганлиги, ё бўлмаса, ушбу йўналишда камчиликлар бартраф этилишига кўмак берганлигини ҳам белгилайди. Фуқароларнинг ўзини қийнаган муаммо бўйича касаба уюшма ташкилотларидан ишонган сўянчиғи сифатида ёрдам сўраши замирида ҳам ана шу омил ётади. Жумладан, касаба уюшма ташкилотларига ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш масаласида 2006 йилда 168 та ёзма ва 509 та оғзаки, 2007 йилда 50 та ёзма ва 199 та оғзаки, 2008 йилда 98 та ёзма ва 310 та оғза-

ки, 2009 йилда 74 та ёзма ва 283 та оғзаки, 2010 йилнинг 6 ойида 57 та ёзма ва 413 та оғзаки мурожаат тушганлигига эътиборни қаратсак, мазкур йўналишда меҳнат аҳлига берилган кўмакнинг салмоғини кўз олдимизга келтирамиз. Мамлакатимизда қатъий солиқ сийёсати олиб борилаётганлиги эса ушбу соҳага тааллуқли мурожаатлар кам қайд этилиши ва йилдан-йилга озайиб боришига сабаб бўлди. Аҳоли ва корхоналардан солиқлар олиниши бўйича шикоят ва аризалар 2006 йилда 466 та (73 та ёзма ва 393 та оғзаки)ни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 161 та (11 та ёзма ва 150 та оғзаки)га камайган.

Шунингдек, ўтган даврда хўжалик органлари, мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликлар юзасидан касаба уюшма ташкилотларида жами 2457 та мурожаат рўйхатга олинган бўлиб, 2006 йилда 562 та (155 та ёзма ва 407 та оғзаки), 2007 йилда 396 та (145 та ёзма ва 251 та оғзаки), 2008 йилда 454 та (208 та ёзма ва 246 та оғзаки), 2009 йилда 599 та (217 та ёзма ва 382 та оғзаки), 2010 йилнинг 6 ойида 446 та (105 та ёзма ва 341 та оғзаки) шикоят-аризалар ўрганиб чиқилган.

Меҳнаткашлардан энг кўп ариза ва шикоятлар тушган йўналишлар сифатида иш ҳақи ва мукофотлаш ёки меҳнатни меъёрлаштиришни ташкил этиш, ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтиш, ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, далолатномалар тузилиши, етказилган зарарлар ўрнини қоплаш масалаларини кўрсатиш мумкин. Айниқса, 2008 йилда иш ҳақи, мукофотлаш ёки меҳнатни меъёрлаштиришни ташкил этиш (2997 та) ҳамда ишдан бўшатилиш, бошқа ишга ўтиш (3443 та) бўйича

мурожаатлар кўпайган бўлса, 2006 йилда ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, далолатномалар тузилиши, етказилган зарарлар ўрнини қоплаш (1656 та) йўналишида бошқа йилларга нисбатан ушбу масалада кўрсаткич юқорилиги кузатилган. Эътироф этиш жоизки, меҳнат хавфсизлиги ва унинг оқибатида зарар кўрган ходимнинг ҳуқуқини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида ушбу йўналишдаги шикоят ва аризалар йил сайин камая бориб, 2009 йилда 792 тани ташкил этган.

Меҳнат дафтарчаларини юритиш бўйича ноқонуний ҳолатлар юзасидан тушган мурожаатларни таҳлил қилганда, бундай мазмундаги шикоят ва аризалар йилдан-йилга кўпайганини кузатишимиз мумкин. Хусусан, 2006 йилда уларнинг сони 584 тани ташкил этган бўлса, 2007 йилда 680 та, 2008 йилда 1092 та, 2009 йилда 643 та ва 2010 йилнинг 6 ойида 558 тага етган. Бу кишиларда ҳужжатларнинг тўғри юритилишини талаб қилиш борасида ҳуқуқий маданият ошганлигини кўрсатади.

Касаба уюшмалари бандлик ва иш билан таъминлаш масаласида фуқаролар мурожаатлари доирасида ҳам шугулланиб келмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида аҳолини иш билан бандлиги, ихтисосни ўзгартириш, ишсизлик масаласига оид 4666 та мурожаат ўрганилган бўлиб, шундан 2421 таси 2008 йилга тўғри келади.

Меҳнат жамоаларида иш ва дам олиш вақтлари тартиби ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси қоидалари ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрларининг бузилиши ҳам ишловчилардан кўплаб мурожаатлар тушишига сабаб бўлган. 2006 йил ва 2009 йил кўрсаткичларини солиштирсак, иш ва дам олиш вақтлари тартибига доир мурожаатлар 185 (1133 - 948) тага, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрларининг бузилиши, атроф-муҳит экология-

сига оид мурожаатлар 471 (1045 - 574) тага камайганлиги маълум бўлади. Бундан ташқари, 2009 йилда аёллар ва ўсмирларнинг меҳнат шaroитлари, ишлаётган ва билим олаётган ёшларни, болаликни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича тушган шикоят ва аризалар (393 та) сони 2008 йилга (628 та) нисбатан 235 тага, 2006 йилга (753 та) қараганда 360 тага пайсан бўлса, жорий йилнинг олти ойидаёқ 2005 тага етгани кузатилди.

Ўтган йилларда касаба уюшма ташкилотларига маданият ва спорт муассасаларининг фаолияти юзасидан 6730 та мурожаат тушган бўлиб, 2006 йилда 1718 та, 2007 йилда 2080 та, 2008 йилда 1073 та, 2009 йилда 1693 та ва 2010 йилнинг 6 ойида 166 тани ташкил этди. Шунингдек, бу даврда санаторийлар, дам олиш уйлари ҳамда санаторий-профилакторийларга йўлланмалар ажратиш, уларнинг фаолиятларига доир 29076 та ариза ва шикоят кўриб чиқилган. Фуқаролардан ушбу масалада 2009 йилда энг кўп (9605 та) мурожаат қабул қилинган бўлиб, 2006 йилга (4775 та) нисбатан 4830 та ортиқдир. Демак, ушбу рақамларнинг ўзиёқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнаткашларни дам олдириш ва соғломлаштириш борасида амалга оширилган ишлар кўлами ҳақида кенг тасаввур беради.

Қолаверса, ҳисобот даврида касаба уюшма ташкилотларига фуқаролардан касаба уюшмалари фаолиятига оид бўлмаган ва бошқа масалаларда 16263 та мурожаат тушган бўлиб, улар ҳам тегишли тартибда ўрганиб чиқилган.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш касаба уюшмаларининг ҳуқуқий ҳимоя борасидаги фаолиятида кенг ўрин эгаллаб келмоқда. Зеро, ҳар қандай масаладаги мурожаатга алоҳида эътибор қаратиб, унинг қонун доирасида ўрганилишини таъминлаш ҳуқуқий демократик жамият барпо этишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«Ishonch» мухбири



Ҳамшира қўлларидаги сеҳр

Ҳамшира бўлишни орзу қилмаган, «касал» кўғирчоғига укол қилиб «даволамаган» қизалоқни учратиш қийин. Бирор ери оғриқдан азоб чекаётган вақтда шифобахш қўллардан осойиш топган болажон борки, «катта бўлсам, дўхтир бўламан» деб орзу қилади. Муҳими, бу орзунинг мақсадга айланиши эмас, аини касбга меҳрнинг ортиши, ҳаваснинг самимийлигида.

Юзидан табассум аримас ҳамшираларни нега кўпчилик фариштага ўхшатади? Кийими оқлиги учунмикан фақат? Бизнингча, улар ҳар бир бемор билан самимий муносабатда бўлишга, дард билан андармон вужудга шифо бағишлаш учун тунни кунга улашга, қалбларга бир чимдим меҳр, ёруғлик улашишга интилгани учун ҳам бу таърифга сазовор бўлишади.

1999 йилдан бери Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Курортлар бошқармаси тизимидаги санаторийларда ўтказиб келинадиган кўрик-танлов ҳам юртдошларимизга бу таърифнинг қанчалар ҳақ эканлигини исботлаб келмоқда. Жорий йилнинг 2-3 октябр кунларида муҳташам «Туркистон» санъат саройида Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги ҳамда Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилган «Ҳамшира — 2010» кўрик-тан-

лови ҳам кўпчиликда туганмас таассурот қолдирди.

...Кечки пайт телевизор кўриб ўтирсам, онам телефон қилиб қолди: «Ўзбекистон» каналига кўйгин, жуда яхши концерт бўляпти...». «Жуда яхши концерт»да мазкур танлов иштирокчиларининг «Бадий кўрик» шартли кўрсатилаётган эди.

«Турон» санаторийси шарофтини ҳимоя қилаётган Нозима Норматова машҳур «Шум бола»нинг янгича талқини билан кошонадагиларнинг кўнглига қувонч улашди. «Бўстон»нинг Диёра қизи эса феъл шаддошлигига монанд «Анджон полкаси»га рақсга тушиши билан томошабинлардан бир нечтаси жўр бўлиб кетишди.

Чироқлар шуъласи остида «Тановар» садоларига хиром айлаганча чортоқлик Сурайё Тавбаева кириб келганда, Мукаррама хонимни соғинган

кўнгишлар бир орзиқиб кетди.

Шу даражада маҳорат, юксак истеъдодга гувоҳ бўла туриб, кўнгишда «ростдан ҳам ҳамширамикан булар?» қабилидаги иштибоҳ пайдо бўлади.

Тўрт босқичдан иборат шартлар қатнашчиларнинг маҳорати, малакаси, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий билимларини юзага чиқариш учун ўзига хос имкон бўлди. Саҳнага боқиб, ўн икки гўзал қиёфасида юксак салоҳиятли ҳамшира-нинггина эмас, теран тафаккурли тарихчи, кенг мушоҳадали сиёсатчи, ноёб иқтидор эгаси бўлган санъаткор сийратини илғагандек бўласиз. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Зеро, улар тафаккур дарахтининг илдиэлари чуқур, мавжлари тинмас маънавият чашмасига қонган миллат фарзандлари. Қолаверса, эзгу ният билан йўлга чиқишган:

Шамдек бўл, шамни кўр, куйиб қалбу тан

Ўзгалар дилини қилади равшан.

Ғолиблар эълон қилинди: 1-ўрин «Чинобод» санаторийсининг 12-даволаш бўлими ҳамшираси Наргиза Фуломовага, 2-ўрин эса «Турон» санаторийсининг 1-кардиология бўлими уқаловчи ҳамшираси Нозима Норматовага, 3-ўрин «Чимён» санаторийсининг ванна бўлими балнеология ҳамшираси Севара Миркомиловага насиб этди.

Барча қатнашчилар қимматбахо совғалар билан тақдирланди. Совға сифатида автомашина олган Наргиза эса устозлари, ҳамқасблари, яқинлари билан қувончини баҳам кўрмоқда.

Ғолиблик нашидасини сураётган бошқа ҳамширалар ҳам кадрдонлари қутлови билан банд. Яна янги дўстлар ортирилди, тажриба алмашилди, билим доираси кенгайтирилди. Демак-ки, танловнинг асосий мақсади амалга ошди.

Ғалаба қувончидан шодланган, мусобақа давомида алоҳида кўзга ташланган Нозима Норматовани суҳбатга чорлаймиз:

— Танловдан кўзланган мақсад Курортлар бошқармаси тизимидаги санаторийларда ҳамшираларнинг билимини ошириш, ўз устида ишлаши, тиббий

хизмат маданиятини юксалтириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, касбий билимларини янада чуқурроқ ўзлаштиришларига кўмаклашиш, истеъдодларини намоеън этиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга шарт-шароит яратиб беришдир. «Ҳамшира ташрифи», «Тиббиёт соҳасига доир назарий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий билимлар», «Амалий билимлар бўйича беллашув», «Бадий кўрик» каби шартларда имкониятларинингизни кўрсата билишингиз керак. Танловга тайёргарлик жараёнида малакамни янада оширдим. Бу эса ишимнинг ҳақиқий устаси бўлишда асосий омилдир.

Касалликни ўз вақтида аниқлаш, тарғибот ишларини тўғри йўлга қўйишда шифокорлар қатори ҳамшираларнинг ҳам ҳиссаси бор. Ҳозирги кунда шифокор ташхиси қатори ҳамширалар тажрибасидан ҳам фойдаланиш касалликка қарши курашиш ҳамда уни даволашда катта аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, касбимиз туфайли эъзоз топмоқдамиз, алоҳида эътибор, ғамхўрликни ҳис эътиямиз. Бунинг учун танловни ташкил қилган Курортлар бошқармасига алоҳида миннатдорчилик билдираман.

— **Халқимизда «устоз кўрган» деган ибора бор?..**

— Албатта, назарий билимларни қайсидир даражада мустақил ўрганиш мумкин. Аммо амалиётда, айниқса, гап инсон саломатлиги борасида кетар экан, устозлар ўғити, тажрибасига таяниш зарур. Билим юртида кўплаб оққўнгиш инсонларнинг ўғитини олдиқ, уларни ҳаётга татбиқ этишга интилоқдамиз.

Санаторийга биринчи келган кунимданоқ Назира Абдурахмо-

нова, Гулнора Фатхуллова, Татьяна Цишнатий каби устозларимдан касбимнинг нозик сирларини ўргана бошладим. Бугун қайсидир даражада муваффақиятга эришган, элнинг дуосини олаётган бўлсам, шубҳасиз, уларнинг меҳнати туфайлидир.

— **Муваффақият — кўнгиш хотиржамлигининг дарак. Кўнгиш эса оила фароғат бўлгандагина осойиш топади...**

— Эрталаб ишинг томон шошилиш, кечга яқин оиланг қучоғига талпиниш — ҳақиқий бахт, дейишади. Ҳар иккисини тенг тутганлар, ҳар иккисидан бахт топганлар бу шарафга ноил бўлишади. Минг шукрки, Яратган мени бунга сазовор қилди. Турмуш ўртоғим билан уч фарзандимизни бекам кўст тарбиялашга ҳаракат қилмоқдамиз. Асадулла 2-синфда, Зулфия 1-синфда аъло баҳоларга ўқишмоқда. Кенжамиз Зиёда эса боғча тарбияланувчиси.

Болаларим ҳақида яхши гап эшитсам, хурсанд бўламан. Дам олувчиларимиз самимийлик билан «Кўнгиш дард кўрмасин» дея дуо қилишса, қувонаман. Кўнглимдан шукроналик ҳисси кечганда, бахтлиман, дея оламан. Орзуим, ҳар бир инсон бу сўзни чин кўнгишдан айта олсин.

Соҳам бевосита кардиология билан боғлиқлиги учун энг кўп тилга оладиган ниятим: юракни асранг. Уни фақат касаллик эмас, ноҳуш ҳаёллар, аччиқ сўзлар, кўнгишсиз суҳбатлар ҳам яралайди.

— **Раҳмат, Сизга ҳам ҳаётнинг ҳар жабҳасида ғолиблик насиб этсин!**

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» муҳбири



Сурнайнинг сирли садоси атрофга ёйилади. Ундан хузур олган қалбларда алланечук туйғулар жўш ура бошлайди. Туйғу ўйга айланади: «Нега бу куй қалбимга шунчалар яқин? Уни отамнинг оғзидан эшитган эдимми ёхуд онамнинг алласига монандми? Ахир, бу миллатимнинг куйдаги тарихику! Ҳа, мен ўзбекман, шуни қалбимга муҳрлаш истагида янграпти-ку, бу куй!» Созанда эса мақсадга етганини англаб авж пардаларга ўта бошлайди: сурнай ноласида тарих оқа бошлайди, фахр ёғилади, келажак умиди жўш уради.

Бу тасвир марҳум созанда Аҳмаджон хожи Ҳожибоев умрининг ҳар бир онига хосдир. Манқуртга айланиш остонасида турган қанча-қанча миллатдошларини тенгсиз санъати билан шу балодан фориг этди. Миллат олдидаги хизматлари мустақилликка

ЎзКУФК томонидан эълон қилинган «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивали лауреатлигига эришдик. Энг қувончлиси, ЎзКУФК раёсатининг 2009 йил 14 августдаги қарори билан «Халқ бадий ҳаваскорлик жамоаси» номига сазовор бўлдик. Бу эса бизни



Халқ шаънини бааланг тутиб...

эришганимиздан сўнг қадр топа бошлади. 1998 йил «Шухрат» медалига сазовор бўлди.

Бугун унинг қутлуғ ишларини фарзандлари муносиб давом эттирмакда. Уларни сиз ҳам танийсиз. Чунки В.Н.Сивец номидаги «Авиасозлар» маданият саройи қошида ташкил этилган «Аҳмадзода» халқ чолғу асбоблари жамоаси халқимизнинг қувончли кунларида ҳамisha хизматга шай. Келинг, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишайлик.

— Отамнинг вафотидан сўнг «Аҳмадзода» халқ чолғу ансамблини ташкил этдик, — дейди жамоа раҳбари Адҳамжон Ҳожибоев. — Олти ўғилмиз, ҳаммамиз шу жамоада фаолият юритамиз. Миллийлигимизни тарғиб этиш, шу орқали Ватанимизга хизмат қилишни кўнгилга тукканмиз. Миллат учун қилинган ҳар амал, албатта, ўз мукофотини олади. Бунинг беиз кетмаслигига эса ўз фаолиятимиз мисолида амин бўлдик.

Дарҳақиқат, жамоа 2003 йил «Сурнай навоси» кўриктанловида 2-ўрин, 2004 йил «Сурнай сеҳри» танловида биринчи ўринни эгаллаган.

«Умид» халқ фольклор-рақс ансамбли билан биргаликда Германиянинг Берлин шаҳрида катта концерт бериб қайтди. «Аббос» гуруҳи билан ҳамкорликда Исроил, Индонезия, Таиланд, Қозоғистон, Сингапур, Россия давлатларида миллий санъатимизни намойиш этишди.

— Ижодкор ҳамisha рағбатга, эътиборга эҳтиёж сезади, — дейди Адҳамжон Ҳожибоев. — Касаба уюшмалари тизимида фаолият юритаётган ҳар бир истеъдод бунга муносиб кўрилатгани кўнгилмизни кўтарди. 2008 ва 2009 йилларда

янги-янги ижод намуналари билан кўнгилларни забт этишимизда ўзига хос қанот вазифасини ўтайди.

«Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, анъана ва

урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда», дея таъкидланади Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарориди. Шу мақсадда маънавият ва маърифат, миллий мафқуранини ёйиш борасида мумтоз усуллар билан янги услубларни қўллаш орқали

Давлатимизнинг бу борадаги сиёсати бевосита касаба уюшмалари ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда. Касаба уюшма ташкилотларининг асосий эътибори меҳнаткашларни, айниқса, ёшларнинг маданий савиясини ошириш, умумжаҳон кадриятларидан баҳраманд этиш, уларда юксак ватанпарварлик, мустақиллик мафқурасини шакллантириш, ўз ватани билан фахрланиш туйғуларини тарбиялаш, маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилмоқда. Бу масалалар касаба уюшмалари органлари йиғилишларида долзарб масала сифатида мунтазам кўриб борилади.

Меҳнаткашларга намунали маданий хизмат кўрсатиш, бўш вақтини сермазмун ўтказиш, маданий ва маърифий савиясини ошириш, маънавий дунёқарашини ўстиришда маданий муассасалар, жамоалар муҳим аҳамиятга эга. Бугун фаолияти ҳақида сўз юритганимиз — «Аҳмадзода» халқ чолғу асбоблари жамоаси шундай шарафли вазифани муваффақият билан удаламоқда. Халқ шаънини улуг тутганларни халқ ҳам кўқларга кўтаради.

Дилдора УСМОНОВА

Бу — факт!
Ўтган беш йилда 30 та жамоага «Халқ бадий ҳаваскорлик жамоаси», 23 та жамоага «Намунали бадий жамоа», 6 тасига «Халқ ҳаваскорлик студияси» номлари берилди.



Балиқчиликка эътибор



Дастурхонимизни безовчи бу тансиқ таом кўплаб дардларни аритувчи хусусияти билан ҳам қадрлидир. «Лукмаи ҳалол» дея эътироф этилган балиқ ошхонамизга «келгунга» қадар қандай йўлларни босиб ўтиши билан қизиққанмисиз?

Кейинги вақтларда балиқ ва балиқ маҳсулотлари расталаримизда кўпайиб бормоқда. Хоҳлаган вақтимизда пештоқига «Тирик балиқ» деб ёзиб қўйилган дўконга кириб, қуруқ қўл билан қайтмаслигимизга ишончимиз комил. Бу имконият ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлаётгани йўқ.

Ҳам физо, ҳам шифо

Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида охириги икки-уч йил орасида 40 га яқин балиқ етиштирувчи фермер хўжаликлари ташкил этилди.

2009 йил Сарийосиё туманининг «Тўпаланг» дарёси ўзанидаги «Гулистон» сувайиргич мажмуаси ёнида умумий ҳажми 10 гектардан иборат 4 та сунъий қўл ҳосил қилинди. Бу ерда ишбилармон Муҳаммадали Муҳаммадиев «Тўпаланг олтин балиғи» фермер хўжалигини тузиб, балиқ урчита бошлади. Ўтган йил бу қўлларга оқ амур, толстолоб, сазан балиқлари чавағи ташланиб, зооветеринария талаблари бўйича парваришланди. Пировардида, йил охирига бориб, 13,5 тонна балиқ овлашга муваффақ бўлинди.

Туман раҳбарияти қўллаб-қувватлаши билан сув ҳавзасига яқин Ҳасанхон массивидан қўшимча ер ажратилди. Айни пайтда жами майдон, қўлларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 27 гектарга етди. Балиқларни озуқа билан таъминлаш ва етиштириладиган маҳсулот таннархини арзонлаштириш, сарф-харажатларни камайтириш ниятида озуқабоп экинлар парваришига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Балиқчиликни янада ривожлантириш учун «Агробанк»нинг Сарийосиё тумани филиали ажратган 50 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит айни муддао бўлди. Овланаётган балиқлар Сарийосиё, Узун ва Денов туманлари бозорларига сотилмоқда.

— Жорий йил қўлларимиздан 30 тонна балиқ овлашга жазм этганмиз, — дейди М.Муҳаммадиев. — Даромаднинг асосий қисмини хўжалик фаолиятини кенгайтиришга сарфлаймиз. Бир қисми эса кредитни қоплашга йўналтирилади. Келгусида қўл ҳажмини 50 гектарга, озуқа етиштириладиган майдонни 20 гектардан оширишга, умумий балиқ етиштириш миқдорини 200 тоннага етказиш ва унинг 50 тоннасини консерва қилиб аҳолига тортиқ этиш ниятидамиз.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Агросаноат мажмуида

— Мамлакатимизда иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида жаҳон андозаларига мос қонунлар яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Зеро, адолатли қонун — жамият ҳаёти ва демократик тараққиётнинг асосидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳам бу нарса алоҳида таъкидлаб ўтилди, — дейди Республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг раиси Шамси Эсонбоев биз билан суҳбатда. — Шунингдек, «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги қонун қабул қилинишининг аҳамияти алоҳида уқтириб ўтилди. Чунки мазкур қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши ҳам аниқ кўрсатилди.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳам Президенти-

Масъулият

Эл дастурхонини

миз олиб бораётган сиёсат, қолаверса, амалдаги имтиёзларга асосан меҳнат аҳлига моддий ва маънавий кўмак бериб келмоқда. Саломатлик ва дам олиш билан боғлиқ масалалар, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижроси мунтазам назоратда.

— **Аграр соҳага алоҳида эътибор билан қаралаётгани тармоқ меҳнаткашларини ҳар томонлама ҳимоялашни ҳам тақозо этади. Ушбу вазифа жойларда қандай амалга ошириляпти?**

— Дарҳақиқат, соҳада туб ўзгаришлар амалга оширилди. Паст рентабелли ширкат хўжаликларининг деҳқон-фермер хўжаликларига айлантирилиши натижасида қишлоқда моддий аҳвол яхшиланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, биринчи навбатда, озиқ-овқат етиштириш ҳажми кўпайди.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда 80628 та фермер хўжалигига ажратилган жами ер майдони

5856,9 минг гектарни ташкил этади. Ўртача бир фермер хўжалигига 57,3 гектар ер тўғри келади. Айни вақтда уларда 1,7 миллион киши иш билан банд. Мавжуд фермер хўжаликларининг 50 мингдан зиёди пахта ва ғаллачиликка, 35,5 минг нафари боғдорчилик ва узумчиликка, 5,39 мингтаси сабзавот ва полизчиликка, 5,4 минг нафари чорвачиликка ва 9 мингдан зиёди бошқа турли соҳаларга ихтисослашган.

Жорий йилда етиштирилган пахта хом ашёсининг 99,1 фоизи, бошоқли доннинг 88,1 фоизи фермерлар улушига тўғри келади.

— **Ходимларни ҳар томонлама ҳимоялаш, меҳнати, ҳаёти ва соғлигининг муҳофазаси каби масалалар касаба уюшмалари фаолиятининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Агросаноат тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, меҳнаткашларнинг ижтимо-

Чорвачилик ва наслчилик —



Халқимиз азал-азалдан чорва ҳайвонларига тўқинлик, қут-барака рамзи сифатида қараб келган. Кексалар чорвага меҳр кўрсатсанг, оғзинг ошда, қўлинг мойда бўлади, дея насихат қилишдан чарчашмайди. Дарҳақиқат, турмуш ва саломатлик учун энг зарур неъматлар ўзингдан чиққанга не етсин!

Президентимизнинг «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори айни шу ҳаётий заруратни яна бир бор ёдга солгандек бўлди. Соҳани ривожлантириш касаба уюшмалари зиммасига масъулият юклади. Эзгу ҳаракат туфайли юртимизда минглаб кишилар иш билан банд бўлди, касаба уюшма маблағлари ҳисобидан бепул қорамол олиб берилган оилалар ҳаёти яхшиланди. Шунингдек, чорвачилик ва наслчиликни ривожлантириш борасида қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Касаба уюшма оталигидаги соҳанинг бугунги қиёфасига назар ташлаб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

— Жорий йилда 18 гектар ерда ҳомили каротин ва протеинга бой беда, 13 гектар майдонда маккажўхори, 6 гектар ерда бир йиллик ўтларни етиштирдик.


Самарадорлик

Қишлоқ учун 120 тонна дағал хашак, 150 тонна беда пичани, 4 минг тонна сомон ва бошқа тур озуқалар тайёрланди, — ҳикоя қилади Гурлан туманидаги «Майдонқўл» фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Бекжонов. — Қорамоллар бош сони, улар маҳсулдорлиги ҳам йил сайин ошириляпти. Жамоамиз аззолари 2010 йилни наслчилик ишларини кенг йўлга қўйиш, хориждан келтирилган моллардан ўнтасини сотиб олиш, умумий подада наслдор моллар сонини кўпайтириш билан бошлаганлиги бежиз эмас. Зеро, тармоқни ислоҳ қилиш, моллар маҳсулдорлигини ошириш, эл дастурхони тўқинлигини таъминлаш бош мақсад қилиб қўйилган экан, бунга фақат улар наслини яхшилаш туфайлигина эришиш мумкин.

Сай-ҳаракатимиз ютуқларимизда ўз ифодасини топмоқда. Ўтган йил сигирлардан 46 бош бузоқ олинган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич қарийб 40 бошни ташкил этди. Шу муддат ичида 9 тонна гўшт, 42 тонна сут ишлаб чиқарилди.

Айни вақтда қўйчилик ва паррандачиликка асос солинди. Қўйлар сони 200 бошдан оширилди. Паррандачилик ҳам тармоқнинг муҳим жабҳаларидан бирига айланди. Фермада от боқишни йўлга қўйдик.

Кўрилган тадбирлар иқтисодий самарадорликни ошириш гарови бўлаётир. Ўтган йили 24 миллион сўм миқдоридан соф фойда олган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткични бир ярим баравар ошириш кўзланаяпти. Чорвадорларнинг иш ҳақлари ўсиб, турмуш фаровонлиги ошмоқда. Узоқни кўзлаб, чорвадорлар уйи билан ёнма-ён бир ярим гектарли боғ барпо этилмоқда.



Кенгашли тўй тарқамас

Пайариқ туманидаги «Дил ойнаси» наслчилик фермер хўжалигида 165 бош қорамол парваришлаб келинапти. 75 бош қорамол голланд наслига мансуб. Наслчиликда замонавий услубдан фойдаланиб юқори натижаларга эришиляпти. Айни чоғда хўжаликда 8 турдаги чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Фермер хўжалигида Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан «Чорвачиликда наслчилик ва зооветеринария хизматлари» мавзусида кўргазмали семинар ўтказилди. Унда қорамол наслини яхшилаш, парваришни ташкил этиш каби қатор масалалар юзасидан соҳа мутахассислари, олимлар амалиётда тўпланган тажрибалар хусусида атрофлича сўз юритдилар.

Ҳисси билан

маъмур этамиз

ий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида Марказий кенгаш тизимга қарашли вазирлик, концерн, корпорация, акционерлик жамиятлари билан мунтазам равишда келишувлар тузиб келмоқда. Ушбу ҳужжатлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари ва хўжалик бошқарув органлари билан жамоа келишувлари, хўжалик ва корхона маъмуриятлари билан касаба уюшмалари ўртасида жамоа шартномалари тузилганлигини яхши биласиз. Шуниси қувонарлики, мазкур ҳужжатлар ёлланма ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишнинг бирдан-бир механизми эканлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Натижада, қабул қилинган жамоа шартномаларидаги ходимларга берилаётган ижтимоий имтиёзлар ҳамда кафолатлар кўлами кенгайиб бормоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тармоқ корхоналарига алоқадор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 1795 та оилалар

нинг фарзандлари учун 864 та корхона томонидан 39 миллион 313 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. Кам таъминланган 5901 та ёш оилага 137 миллион 978 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ёки бўлмаса меҳнат муҳофазаси соҳасини олиб кўрайлик. Марказий кенгаш ҳамда вилоятларда фаолият олиб бораётган бош мутахассисларимиз томонидан 6015 та корхона ҳамда ташкилотдаги меҳнат муҳофазаси ҳолати ўрганиб чиқилди ва аниқланган камчиликларни белгиланган тартибда бартараф этишга эришилди.

Лекин ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ҳамон учраб турибди. Айрим раҳбарлар эса бу ҳолатни яширишга ҳаракат қилишяпти. Ўтган йилларда Марказий кенгашга 81 та ёзма, 148 та оғзаки ариза ҳамда шикоят билан мурожаат этилган. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Масалан, Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида яшовчи Д.Аллабергеновга ишлаб чиқаришда олган жароҳати

учун 1 миллион 227 минг сўм маблағ аризасига мувофиқ ундириб берилди. Сурхондарё вилоятидаги «Термиз-нон» масъулияти чекланган жамият ишчиси, меҳнат ногирони Т.Х.Ожиеваннинг фуқаролик судига берган даъво аризасини кўриб чиқишда қатнашиб, 2 миллион 801 минг сўм миқдордаги зарар тўловларини ундириш бўйича суднинг ҳал қилувчи қарори қабул қилинишига эришилди.

— **Ҳар қандай вазифани муваффақиятли амалга ошириш кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Шундай эмасми?**

— Албатта, шунга кўра, уларни танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш бўйича бир қатор ишларни амалга оширдик. Айни кунда тизимиздаги 550 нафарга яқин ходим Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ўқув марказида малака оширди. Булар бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари, меҳнат муҳофазаси мутахассислари ҳамда янги сайланган етакчилардир.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бу ҳам бўлса, ёш кадрларнинг ўз ишларига бўлган муносабати масаласидир. Биринчи навбатда, улардаги масъулият ҳиссини ошириш зарур. Чунки масъулият етишмаса, барча ишлар зое кетади.

«Ishonch» мухбири
Неъмат РАФИҚОВ
суҳбатлашди.

Етти хазинанинг бири

Юртимизда юксалиш сари салмоқли қадамлар кўйилди. Истиқлол шарофати барча соҳаларда бўй кўрсатаётди. Жумладан, асарларичиликда ҳам... Бу ҳақда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги пар-



рандачилик, асарларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Ёзил Шуқуров шундай дейди:

Арилари келтиради бол

— Улуғ бобокалонимиз Абу Али ибн Сино айтиб ўтганидек, «асал — минг бир дардга даво». Асарларичиликни ривожлантириш, имкон бўлса, ҳар бир хонадонда асалари уясини ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Жорий йилнинг 1 ноябрига қадар асарларичилик билан шуғулланувчи субъектлар сони 5866 тага етказилди. Уларда 213639 та асалари оиласи мавжуд бўлиб, шуларнинг 48 минг 923 таси 478 фермер хўжалигида, 5869 асалари оиласи эса 59 та ўрмон хўжалиги корхоналарида ташкил этилди. Шу йилнинг ўзиде янги 793 та барча тоифа асарларичилик субъектлари барпо этилиб, уларда жами 27549 та асалари оиласи ташкил этилди.

Қишлоқни беталофат ўтказиш учун асаларилар зарур миқдордаги озуқа, жумладан, шакар шарбати билан таъминланди. Барча қутилар ва бошқа жиҳозлар мавсумга мос таъмирланди. Шунингдек, кузда асалари оиласида учрайдиган касалликларга қарши кураш чоратadbirlари белгиланди.

Шу йилнинг ўтган даврида 54 та асарларичилик билан шуғулланувчи субъектга 440,3 гектар ер ажратилди. 30 субъект эса 351,8 млн. сўм миқдорда кредит олди.

— **Соҳани ривожлантириш борасида қандай ишлар амалга оширилди?**

— Асалари наслини яхшилаш мақсадида четдан жами 882 та наслдор она ари келтирилди. Шунинг 800 донаси Фарғона, 82 таси эса Навоий вилоятлари асарларичилик уюшмаларига тарқатилди. Қорақалпоғистонда 1 та, Андижонда 13 та, Навоийда 2 та, Тошкент вилоятида 1 та асалари жиҳозлари ишлаб чиқарадиган цехлар янгидан ишга туширилди. Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида эса 1 та асал маҳсулотини қайта ишлайдиган мини цех фаолият бошлади. Бугунги кунда республикамизда 18 та асал сотадиган савдо дўкони, 26 та жиҳоз ишлаб чиқарувчи цех ва 4 та асал маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини цех ишлаб турибди.

Мавриди келганда, айтиб ўтиш жоизки, асарларичиликнинг қишлоқ хўжалигида ҳам фойдаси сезиларли бўлаётди. Жумладан, айни пайтда ҳудудимиздаги асарларичиликнинг кавказ, италянча, маҳаллий, карпат турлари ёрдамида мавжуд пахта майдонларининг 25-30 фоизи чанглатилиб, ҳосилдорлик ошишига имкон яратилаётди.

— **Йиллик режа бажарилаяптими?**

— 2381,4 тонна ўрнига 2809 тонна асал ишлаб чиқарилиб, топшириқ ортиги билан уддаланди. Бу борада, айниқса, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари фермер хўжаликлари, Андижон, Сирдарё, Бухоро вилоятлари ўрмон хўжалик корхоналари, Наманган, Бухоро, Сирдарё, Хоразм шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари ғайрат кўрсатишди.


Шу ўринда соҳа ривожига биз билан тенгма-тенг ҳаракат қилаётган касаба уюшма фаолларининг ҳам ҳиссаси катта эканлигини таъкидламоқчиман. Келгусида амалий ҳамкорликни кучайтириб, янги-янги зафарларга эришамиз, деб ҳисоблайман.

«Ishonch» мухбири
Шарофат НОРҚУЛОВА
суҳбатлашди.

касаба уюшма оталиғида

Ғузур тумани қишлоқ ва маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган зооветеринария шохобчаларида иш қизғин.

— **Чорвачиликнинг аҳолини мониторинг қилиш ва аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш бўйича ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, унга 395 киши жалб қилинган, — деди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси раиси Эшпарда Ниёзов. — Ҳозирга қадар беш марта ишчи гуруҳининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Сунъий уруғлантиришнинг афзалликлари акс этган уч мингга яқин буклетлар одамларга тарқатилди, 172 та баннер аҳоли гавжум жойларга осилди.**



Ислоҳотдан қувониб...

— **Ҳаракатларимиз бесамар кетмаяпти, — дея суҳбатга қўшилди ишчи гуруҳи раҳбари Раҳим Қурбонов. — Мониторинг натижасида туманда 51310 бош қорамол борлиги аниқланди. Уларнинг 22000 бошини сигирлар ташкил этади. 2010 йилда 7855 бош сигирни сунъий уруғлантириш режалаштирилган бўлиб, «Насл хизмат» МЧЖ раҳбари Абдусалом Абдиевнинг маълумотларига кўра, ҳозир-**

га қадар етти минг бош мол сунъий уруғлантирилди.

Туманининг омухтаем, шрот ва шелуха соатиш бирлашмаси МЧЖ тасарруфида 15 та шохобча ишлаб турибди.

— **Ўтган ойлар давомида**

Ҳамроев. — Шунингдек, фермер хўжалик ва масъулияти чекланган



нақд пулга 668 миллион 774 минг сўмлик, пластик карточкалар орқали эса 122 миллион 060 минг сўмлик ем маҳсулотлари сотилди, — деди жамият раиси Аҳад

жамиятларга 152 миллион 779 минг сўмлик ем маҳсулотлари улгуржи савдо орқали етказиб берилди.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Сангишкон ва Меҳнатобод қишлоқларида ҳам ана шундай шохобчалар очиб мўлжалланыпти. Бундан ташқари, чорвани ривожлантириш

учун ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилади.


Ислоҳот ва имкониётлардан мамнун яшаётган Холбой бобо Дўсийёров шундай дейди:

— **Бир пайтлар чорвачилик фермаси мудири бўлиб ишлаганман. Чорвачилик соҳаси менга бегона эмас. Шу боис, зотдор молларни кўпайтириш орқали гўшт ва сут маҳсулотлари таннархини тушириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлардан қувондим. Яқинда қўшни қишлоқда сунъий уруғлантириш натижасида туғилган хўкизни, аниқроғи, 15 ойлик бузоқни 1 миллион 850 минг сўмга сотишганини эшитдик. Жайдари молни уч йил боқсак ҳам, шунча даромад қилмаймиз.**

Ҳақли эътироф ва соҳа ривожига муносиб баҳо.



«Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2006-2010 йиллар учун кўшма тадбирлар режаси» қабул қилиниб, унда меҳнатни муҳофаза қилиш, янги иш ўринларини барпо этиш, халқаро меҳнат меъёрларига қўшилиш каби масалалар акс эттирилган эди. Шунга асосан, ҳар бир минтақада меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорликда «Бандлик» дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида изчил ишлар қилинди. Касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмалари томонидан минтақавий хусусият ва демографик аҳволни инобатга олган ҳолда янги иш ўринларини барпо этиш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича таклифлар киритиб борилди.



Кўмак

тадбиркорлик соҳасига тўғри келди. Бунда, албатта, касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Тармоқ келишувларида шунингдек, ходимлар сони қисқартирилаётганда ишда қолдириш учун афзалликка эга ходимлар тоифалари Меҳнат кодексининг 103-моддасида кўрсатилганларга нисбатан кенгайтирилди. Улар қаторига ўл бўла аёллар, ногиронлар, нафақа ёшига етиб қолган ходимлар ва ҳоказолар ҳам киритилган.

Президентимиз ва ҳукуматнинг касаначиликни, хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари бандлик турлари ўртасидаги мавжуд номуносивликни бартараф этишга қаратилгани билан эътиборга молик. Касаба уюшмалари аҳолининг расмий бандлиги даражасини юксалтириш борасида Ҳукуматга доимий равишда кўмаклашиб келмоқда. Шу боис, касаба уюшмаларининг касаначиликни қўллаб-қувватлаш тадбирларига биноан 2006-2009 йиллар давомида жами 115823 нафар касаначиларга нисбатан жамоа шартномалари шартлари татбиқ этилди.

Ўзбекистон КУФК Раёсатининг 2009 йил 19 мартдаги қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг жаҳон иқтисодий кризиси оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича кризисга қарши Дастури бажарилишига кўмаклашиш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тадбирлари» тасдиқланди.

Шундан келиб чиқиб, ЎЗКУФ инқирозга қарши

қатор тадбирларни амалга оширди. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида ижтимоий имтиёз ва кафолатларни корхона (ташкilot, муассаса) фаолиятининг якуний натижаларига кўра берилишини кўзда тутовчи мосланувчан жамоа шартномаларини тузиш; мамлакат ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш; иш ўринларини имкон қадар сақлаб қолиш; иқтисодий жиҳатдан барқарор корхоналарда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш; қонунларда ишчи ходимларга кўзда тутилган имтиёз ва кафолатларга иш берувчилар томонидан риоя этилиши устидан мониторингни кучайтириш; ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда талабчанликни ошириш; касаба уюшма бюджети маблағларини иқтисод қилинишига эришиш шулар жумласидандир.

Касаба уюшмалари маблағидан ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, кичик бизнес субъектларини барпо этиш ҳамда фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қорамол ўстиришни рағбатлантириш ҳисобига мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани ҳам диққатга сазовор. Шулардан иқтисодиётнинг реал секториди, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида кичик бизнес субъектларини таъсис этиш ҳамда соғломлаштириш инфратузилмаси объектларини барпо этиш ҳисобига 880 та, шахсий ёрдамчи хўжаликларда қорамол ўстиришни рағбатлантириш мақсадида кам таъминланган оилаларга бепул қорамол олиб бериш ҳисобига 130 та янги иш ўрни яратилди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Талаб ортмоқда

Бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янгиларини ташкил этиш, меҳнаткашлар бандлигини таъминлаш масаласи энг муҳим муаммолардан бирига айланди. Шунга мувофиқ, ЎЗКУФК томонидан ҳукуматимизнинг жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича дастури бажарилишига кўмаклашиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга ошириб келинмоқда.

Маълумки, Баркамол авлод йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг муҳим йўналиши, аҳоли ва ўрта синф мулкдорлари даромадларини шакллантириш асоси бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида тегишли вазифалар белгиланган эди.

Касаба уюшма органлари томонидан мазкур дастур ижросини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, санаторий-профилакторийлар мисолида оладиган бўлса, биргина «Чинобод» санаторийси Тошкент артезиан ҳовузининг (+51 даража) маъданли хлорид-гидрокарбонат натрийли сувига эга бўлиб, «Chin obod» маъданли сувини қадоқлаш йўлга қўйилган ва 15 нафар ходим муқим иш билан таъминланган. Ишлаб чиқариш цехининг қуввати соатига тўрт ярим минг литрни ташкил этиб, кунига ўртача 20-25 минг дона (сигими 1,5 литр) қадоқланади. Шифобахш сув гастрит, ошқозон яраси, холецистит, гепатит, колит, ўн икки бармоқли ичак яллиғланиши касалликларини даволашда, ичакни чайиш, меъдани ювишда яхши самара бермоқда. Ошқозон секрецияси пасайганда, 20-25 С⁰ юқори секреция ҳолатида эса 40-45 С⁰ ҳароратда ичиш тавсия этилади. Унга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Chin OBOD
PREMIUM

**Ҳақиқий шифобахш сув —
лаззатли ҳаёт учун куч ва қувват манбаи**



Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши Курортлар бошқармаси тизимида 16 та санаторий мавжуд бўлиб, уларда ҳар йили 65-85 минг нафардан зиёд меҳнаткаш саломатлигини тикламоқда. 2005-2009 йиллар давомида 374 мингдан зиёд фуқаро даволаниб, ҳордиқ чиқарди.

ди. Дам олувчилар учун алоҳида махсус коттежлар қуриб ишга туширилди. Атроф арчзор ва анвойи гуллар билан кўкларозлаштирилди.

Президентимиз томонидан 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши муносабати

лаштириш ишлари режаси асосида санаторийларда ижобий ишлар бажарилди. Жумладан «Косонсой»да эски маъмурий бино реконструкция қилиниб, янги 23 ўринли она ва бола бўлими ишга туширилди.

Ошхонада ширин, лаззат-

туманида бўлиб ўтган танловда Соҳиба Умарова голиблар сафидан ўрин олди. Изланувчан Нилуфар Мўйдинова эса 2005 йилда танлов совриндорларидан бирига айланди. 2006 йилда Гулнора Қажумова билими, ҳаракати ва интилишлари са-

Бугун мамлакатимизнинг ўн олти нуқтасида ташкил қилинган, юртошларимиз ва хорижликларнинг минг дардига шифо бағишлаётган, саломатликни тиклаш учун табиатнинг бебаҳо инъомларидан фойдаланаётган санаторийлар самарали фаолият юритмоқда. Улардан бири Наманган вилоятининг сўлим табиати кучоғида жойлашган «Косонсой» санаторийсидир.

Сиҳатгоҳ 1984 йили Чотқол тоғ тизмаси этагида, Муғқалъа харобалари ва Косонсой дарёси бўйида қад кўтарган. У денгиз сатҳидан 943 метр баландликда жойлашган бўлиб, умумий майдони 14 гектарни ташкил қилади. Буюк Кушон империясининг кўҳна пойтахти ҳисобланган Косонсой бағридаги бу мўъжиза минглаб инсонларнинг сеvimли масканига айланган.

Октябр ойининг сўнги кунларида ўзининг 25 йиллик тантаналарини нишонлаган сиҳатгоҳ дунёнинг энг номдор курортлари билан ҳар соҳада беллаша олади. Бу ерда дам олиб, даволаниб кетаётганларнинг аксарияти яна келишни кўнгилга тугиб қайтишади. Бунга табиатнинг инъомларидан унумли фойдаланиш жараёнигина эмас, ходимларнинг фидокорона хизматлари ҳам сабаб, албатта.

Дам олувчилар билан суҳбатлашганимизда, ўзини Муборак Аҳмадулова деб таништирган онахон шундай дейди: «Шифокору ҳамширадан тортиб фаррошгача тилидан бол томади-я. Ўзингизни ерда эмас, фаришталар орасида юргандек ҳис қиласиз». Бизнингча, бу таъриф кўрсатилаётган хизмату бу борадаги заҳматлар учун энг муносиб баҳодир.

— Санаторий ҳаракат таянч органлари, ошқозон-ичак, асаб, юрак-қон томир тизими, нафас йўллари, гинекологик ва сийдик йўллари касалликларини даволаш учун мўлжалланган. Даволанувчилар қатъий тартибда, касалликлари турига қараб, малакали невропатолог, кардиолог, гинеколог, стоматолог, иглотерапевт, мануалист-физкултура даволаш ҳақими, парҳез шифокори ва ЭКГ, УЗИ, лаборатория кўригидан ўтадилар ва ташхисга мувофиқ мутахассис-ҳамширалар назорати остида даволаниш муолажаларини қабул қиладилар, — маълумот беради «Косонсой санаторийси» МЧЖ директори Нўмонхон Мўйдинов.

Бунда кўнгиш

томади ором

Асосий даволаш омиллари мусаффо ҳаволи тоғ иқлими ва таркиби сульфат-хлорид-гидрокарбонат-натрийли, ҳарорати 27°C табиий маъданли сувидир. Ҳавода кислород зичлиги 26 фоизни ташкил этади. «Саки», «Евпатория» курортларининг сувидан қолишмайдиган шифобахш маъданли сув эса ичиш ҳамда минерал ванналар қабул қилиш йўли билан даволашда ишлатилади.

Физиотерапия бўлимида стат душ, дарсонлизация, УВЧ, УЗТ, инголятор, ИКВ, электросон, амгшлипульс, тонус, ДМВ, ЛУЧ-3, магнитерапия, полюс, кварц, соллюкс, ЭСВ, парафин, электромассаж, галвано балчик, электрофорез, сув муолажаларидан сув ости массажи, ванна, айланма душ, ГАИ,



мараси ўлароқ, санаторийга голиб сифатида автомобил билан қайтди. Бугунги кунда бош ҳамширалик масъулиятини зиммасига олган Муборакхон эса 2008 йилда танловнинг 3-ўрнини забт этди.

Шу ўринда салмоқли ютуқларга эришаётган жамоанинг эзгу ишларига бош бўлаётган инсон ҳақида сўз. 2002 йилдан бери санаторийнинг бош шифокори сифатида фаолият юритиб келаётган Нўмонхон Мўйдинов ЎЗКУФКнинг «Эҳтиром» нишонига сазовор бўлган. Мазкур эътироф жонкуяр раҳбарни янги-янги ташаббуслар сари йўллагани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Санаторий ҳаёти билан яқиндан танишиб борар экансиз, ўз-ўзидан унинг сеҳрига маҳлиё бўла бошлайсиз. Ҳар лаҳзада ўзига тортиб турувчи масканининг қайноқ ҳаётдан аллақандай ҳузур энади қалбингизга. Айни шу ҳузурдан кўнгишларга ором бахш этиш бу ердаги фидойиларнинг мақсадига айланган.

Беихтиёр Зиёвуддин Мансурнинг қуйидаги сатрлари ёдга тушади:

*Косонсойда бир сирли ошён,
У тиклайди қадди долларни.
Кампирларни айлаб ёш жувон,
Йигит этиб кўяр чолларни.
Бу заминнинг кўёш-моҳидир,
Бу — «Косонсой» сиҳатгоҳидир.*

Д. РАҲМОНОВА



ли парҳез таомлар берилмоқда, «витаминли стол» ташкил этилган.

— Масканимизда даволанувчилар учун барча қулайликлар яратилган, — дейди бош ҳамшира Муборак Фаниева. — Шунингдек, ходимлар манфаати ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор берилади. Маданий-маърифий тадбирлар, кўнгилочар кечалар ўтказиш аънаънага айланган. Ўз устимизда тинимсиз ишлаш орқали мижозларимиз кўнглига йўл топишга ҳаракат қилаяпмиз.

Дарҳақиқат, сиҳатгоҳнинг билимдон ва тиришқоқ қизлари республика «Ҳамшира» кўрик-танловида фахрли ўринларни эгаллаб, маскан обрўсига обрў кўшишмоқда. Хусусан, 2003 йили Чортоқ

ичакларни ювиш хонаси, гинекологик касалликларни чайиш хоналари мавжуд. Бундан ташқари, санаторийда фитобар мавжуд бўлиб, 20 га яқин доривор ўсимликлардан 5 хил шифобахш чой тайёрланади. Диагностик текширувлардан УЗИ, ЭКГ, клиник лаборатория мавжуд.

Тизимдаги ислохотлар «Косонсой» ҳаётида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. Шунинг учун ҳам санаторий кундан кунга чирой очиб бормоқда.


«Косонсой» 2005 йил якуни бўйича республика санаторийлари орасида ўтказилган «Йилнинг энг яхши санаторийси» танловида фахрли 1-ўринни олди ва Курортлар бошқармасининг 1-даражали дипломи, медал, қимматбаҳо совғалари билан тақдирлан-

билан Ўзбекистон касабга уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан 2006 йилда даволаш бўлимини қайта таъмирлаш режалаштирилиб, бу мақсад учун 131 миллион сўм маблағ ажратилди. Таъмирлаш натижасида қўшимча даволаш усуллари: сплеотерапия, андрология хонаси, сауна, ёпиқ сув ҳавзаси, фитобар ва ванналар ишга тушди. Шунингдек, даволаш бўлимининг 3-қаватида амбулатория усулида даволаш учун 25 ўрин тайёрланди. Бундан ташқари, 3 та массаж, ЭКГ ва игна билан даволаш хоналари яратилди.

2008 йил ЎЗКУФК «Ёшлар йили» дастурига ёш авлодни баркамол, етук ва жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, соғлиқларини тиклаш борасида, дам олиш ва соғлом-



Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши ўз фаолиятини ЎзКУФК, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Болалар спортни ривожлантириш, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар, хўжалик органлари билан ҳамкорликда олиб бормоқда.



Ғалабаларимиз солномаси



— Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши бугунги кунда 5 000 дан зиёд жисмоний тарбия жамоалари ҳамда спорт клубларини бирлаштирган бўлиб, уларнинг 1,5 млн.га яқин аъзоси бор.

— 630 000 дан ортқ ишчи-хизматчи соғломлаштиришга йўналтирилган спорт секциялари ва гуруҳларида мунтазам равишда шуғулланиб келмоқда.

— 20 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 7,5 мингдан зиёд ўғил-қиз тахсил олмоқда ва улар учун барча шарт-шароит яратилган.

— Касаба уюшмалари спортчилари Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионати, халқаро турнирлар ва биринчиликларда, турли нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётир.

— Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши умумхалқ байрамларида ҳамда уч босқичли спорт мусобақалари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларини тайёрлаш ва уларни ўтказишда фаол иштирок этиб келмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чоратadbirlари тўғрисида»ги қарори, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури, ЎзКУФКнинг IV Курултойи қарорлари ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг V Курултойи қарорлари доирасида спорт-соғломлаштириш тadbirlари, жумладан, аёллар спартакиадаси, қишлоқ меҳнаткашлари ўртасидаги республика спартакиадаси, республика касаб уюшмалари тизимидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасидаги республика спартакиадаси, шунингдек, оммавий спорт тadbirlари

бирлари тақвим режага мувофиқ мунтазам ўтказиб келинмоқда.

— ЎзКУФК, унга аъзо ташкилотлар ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши фаолиятида меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, айниқса, аёллар ва болаларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутди.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида меҳнат жамоалари, ўқув юрларида ҳамда ишчилар ва талаба-ўқувчилар турар жойларида оммавий спорт мусобақалари, спартакиадалар, спорт фестиваллари, оилавий мусобақалар, турнирлар ўтказиш анъана тусини олган. Республика миқёсида:

— 2006 йилнинг май ойида Фарғона шаҳрида ишчи-хизматчилар ўртасида қишлоқ спартакиадаси, ноябр ойида ЎзКУФК соврини учун спорт турнири, июн ойида республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Қашқадарё вилоятида аёллар спартакиадаси, Хоразм вилоятида «Гимнастрада», «Автолам маликаси — 2006, — 2007» кўрик танловлари ўтказилди.

— 2007 йил ноябр ойида Бухоро вилоятида меҳнаткашлар ўртасида «Саломатлик», Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясига бирлашган аъзо ташкилотлар ҳамда КУФК тасаруфидаги ташкилотлар аппарат ходимлари, 2008 йилда Тошкент шаҳрида касаб уюшмалари тизимидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида, шунингдек, 2009 йил август ойида Шаҳрисабз шаҳрида Қишлоқ тараққиоти ва фаровонлиги йилига бағишланган қишлоқ меҳнаткашларининг «Саломатлик» спартакиадалари ўтказилди.

— Республика бўйича 5964 та биринчи разрядли спортчи, 1761 та спорт усталигига номзод, 386 та спорт устаси, 63 та халқаро тоифадаги спортчи

тайёрлашга эришилди.

— Ҳисобот даврида барча турдаги оромгоҳларда меҳнаткашларнинг 1 млн. 210 мингдан зиёд фарзандлари соғломлаштирилди. Умумий соғломлаштирилган болалардан 22 минг 330 нафари Орол бўйида яшовчи, 18 минг 200 нафари «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, 50 нафари Сирдарё вилоятининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида Сирдарё вилоятидан ғолиб деб топилган болалардан иборат бўлиб, улар Тошкент шаҳри ва Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Қашқадарё вилоятлари корхона, ташкилотларига қарашли оромгоҳларда бепул дам олдирилди. Шунингдек, оромгоҳларда кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилалар фарзандларидан 240 мингга яқини имтиёзли равишда соғломлаштирилди.

— Касаба уюшмалари вакиллари Халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 283 та олтин, 245 кумуш, 231 та бронза медалларининг соҳиби бўлишди. Шундан:

— 2006 йилда Қатарнинг Доха шаҳрида бўлиб ўтган Осиё

эътироф этилди.

— 2010 йил Полшанинг Познан шаҳрида ташкиллаштирилган жаҳон чемпионатида ҳам Вадим Менков зафар кучиб, икки карра жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди ҳамда иккинчи бор Халқаро эшак эшиш Федерацияси томонидан «Йилнинг энг яхши эшак эшувчиси» кубоги билан мукофотланди.

— Касаба уюшмалари вакиллари 915 нафари халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 279 та олтин, 239 кумуш, 221 та бронза медалларининг соҳиби бўлишди.

— Касаба уюшма спортчилари 915 нафари А.Доктурашвили, Л.Черязова, О.Чусовитина, Д.Мансуров, спортнинг байдарка ва каноэда эшак эшиш тури бўйича В.Менков, юнон-рум кураши бўйича Э.Хафизов, енгил атлетика бўйича Г.Хуббиева, А.Свечникова, С.Радзивил, Б.Шокиржонов, дзю-до бўйича М.Шарипов, Х.Набиев, велоспорт бўйича С.Лагутин, оғир атлетика бўйича М.Чашемов, спорт гимнастикаси бўйича Л.Галиулина каби бир қатор спорт-

тўртлиги ҳам шоҳсупа чўққисини банд этиб, Ўзбекистон мадҳияси остида мустақил юртимиз байроғининг Хитой осмонида ҳилпирашини таъминлади.

— Байдаркада эшак эшиш мусобақасида Ксения Прилепская, Юлия Борзова, Екатерина Шубина ва Екатерина Петришинадан иборат тўртлик ҳам маҳорат ва маънавият намунасини намойиш этиб, кумуш медалга сазовор бўлди.

— Академик эшак эшиш усталари — Руслан Наурузалиев ва Вячеслав Дидрих иккилик кумуш, С.Тян, Е.Кузнецов, В.Дидрих ва Д.Наурузалиев тўртлик бронза медал соҳибига айланишди.

— Яккалик баҳсларда иштирок этган Зарина Михайлова ҳамда Артём Кудряшов учинчи поғонадан жой олдилар.

— Слалом эшак эшишда Алексей Зубарев ва Алексей Наумкин муваффақиятли иштироки билан терма жамоамизга муҳим очколарни тақдим этишди.

— Спорт гимнастикаси маликаси Луиза Галиуллина жамоадoshiлари ютугини иккита бронза медали билан янада мустаҳкамлаб қўйди. Худди шундай натижа найза улоқтиришда ҳам қайд этилди. Ринат Тарзуманов учинчи ўринни эгаллади.

— Яна бир истеъдодли енгил атлетикачимиз Светлана Радзивил баландликка сакрашда барча рақибларидан юқори натижа кўрсатиб, олтин медални қўлга киритди.

— Ўзига хос мактабга эга бўлган спорт гимнастикамиз вакиллари Гуанчжоуда жаҳон грандлари ҳисобланмиш Хитой ва Япония жамоаларидан кейин учинчи ўринни ўзиники қилиб олишди. Луиза Галиуллина, Юлия Горева, Асал Сапарбоева, Диана Каримжонова, Ирина Володченко, Даря Елезарова... Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида гапириш мумкин.

— Касаба уюшма спортчиларидан яна бири Гўзал Хуббиевадир. Ёдингизда бўлса, у бундан тўрт йил муқаддам Дохада Ўзбекистон байроғини сарбанд кўтариб, Ватанга ёруғ юз билан қайтган эди. Орадан тўрт йил ўтиб, Гўзал Гуанчжоуда 100 метр масофага югуришда кумуш, 200 метрга югуришда бронза медални қўлга киритиб, Хитой осмонида байроғимиз икки бор ҳилпирашини таъминлади ва албатта, ҳамон нуфузли мусобақалар фаворити эканлигини намойиш этди.

Нарзулла МАХАМОВ



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

ўйинлари мусобақасида 7 та олтин, 5 та кумуш, 2 та бронза;

— 2007 йил сентябр ойида Жанубий Корейанинг Сеул шаҳрида ташкил этилган Осиё биринчилигида 2 та олтин, 2 та кумуш, 6 та бронза;

— 2008 йилда Хитойнинг Пекин шаҳрида уюштирилган XXIX Олимпия ўйинларида 17 нафар касаб уюшма спортчиси иштирок этди.

— 2009 йил Канаданинг Дортмут шаҳрида бўлиб ўтган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, касаб уюшма спортчиси Вадим Меньков жаҳон чемпиони бўлди ҳамда Халқаро эшак эшиш Федерацияси томонидан «Йилнинг энг яхши эшак эшувчиси» деб

чилар касаб уюшмасининг фахри ҳисобланади.

— Гуанчжоуда ташкил этилган XVI Осиё ўйинларида қўлга киритилган медалларнинг нақ 20 таси (4 та олтин, 6 кумуш, 10 бронза) касаб уюшма спортчиларига тегишли бўлиб, буни умумжамоа ютуғига қўшилган муносиб улуш деб баҳолаш мумкин.

— Икки карра жаҳон чемпиони, «Жаҳоннинг энг яхши каноэчиси» Вадим Менков Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ҳам ўзига хос усулда навбатдаги олтин медални қўлга киритди.

— Осиё ўйинларида нафақат В.Менков, унинг жамоадoshiлари Герасим Кочнев ва Серик Мирбеков жуптлиги, Алексей Мочалов, Сергей Борзов, Алексей Бобожинов, Вячеслав Горн

Ўқув маркази: Замон билан ҳамнафас

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўқув марказида бугун ҳам одатдаги манзаранинг гувоҳи бўлдим. Аудиторияларда қизгин машғулотлар борар эди. Ушбу марказ касоба уюшма фаолларининг малакасини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Марказ директори Константин Переверзев муассаса ҳақида бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— ЎЗКУФКнинг III Курултойида касоба уюшмалари кадрлари ва фаолларини ўқитиш учун махсус таълим муассасаси қуриш масаласи муҳокама қилинган эди. Ушандан буён фаолият юритиб келаётган Ўқув маркази ЎЗКУФК ташкилотлари, касоба уюшма органлари ходимларини касбий тайёрлашга, ўқувнинг моддий базасидан бевосита фойдаланишга алоҳида эътибор қаратган.

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Касоба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, ЎЗКУФК бирлашган касоба уюшмалари Устави ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган касоба уюшмалари кадрлари ва фаолларини ўқитиш Концепцияси самарали қўлланилмоқда.

Марказимизда ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароитда касоба уюшмаларининг ҳимоя функциясини бажара оладиган етакчи ва мутахассислар малакасини оширишнинг кўп босқичли тизими яратилди. Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишга қодир, сиёсий ҳаётда фаол иштирок эта оладиган касоба уюшмаси етакчилари сафи шаклланди.

Тингловчиларнинг ҳар бир тифаси учун махсус ўқув дастури

тайёрланган. Мавзулар Федерация кенгаши Раёсати мажлисида тасдиқланади. Жумладан, касоба уюшмаси кадрлари ва фаолларининг 2010 йилги дастурига иқтисодиёт, ҳуқуқ, социология, касоба уюшмаси ҳаракатлари назари-

Бизнинг интервью



яси ва амалиёти, психология, менежментлик, маркетинг соҳаларидаги мавзулар киритилган.

— **Ўқув марказида яратилган шарт-шароит ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Ўқув марказида 3 та аудитория, компьютер синфи, 120 ўринли конференц-зал, мултимедия қурилмаси бор. Бизда тўловли хизмат кўрсатилади. Бунда турли идоралар гуруҳлари учун машғулотлар ташкил этамиз. Маҳорат мактаби, тренинглари ўтказиш имкониятини яратиб берамиз. Тингловчилар гуруҳи 20-25 кишидан иборат бўлиб, касоба органлари

ишини ҳисобга олган ҳолда 1-2 ҳафталик дастур асосида малака оширади. Машғулотлар тугагандан сўнг уларга гувоҳнома берилади. Ҳар йили бизнинг марказда 1200 га яқин киши ўқийди. Бу ерда ЎЗКУФК аппарати мутахассислари, олимлар, турли идора ва жамоат ташкилотлари мутахассислари машғулоти олиб боришади.

— **Маълумки, ЎЗКУФК хорижий касоба уюшмалари билан изчил алоқаларни йўлга қўйган. Бу борада Ўқув маркази томонидан қандай ишлар қилинапти?**

— МДХ ва бошқа хорижий мамлакатлар касоба уюшмалари ўқув муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, Таълим муассасалари Ассоциациясига ҳам аъзоимиз. Шунингдек, Россиянинг меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академияси, Минск касоба уюшмалари университети билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилгани турли масалалар бўйича хорижий ҳамкасблар билан фикр ва тажриба алмашишга имкон бермоқда.

Марказ ишини янада такомиллаштиришда юқори техникали қурилмалардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Жумладан, плазмали телевизор, интернетдан фойдаланиш ишимизда қўл келмоқда. Ўзимизнинг сайтимизни очсак, янада яхши бўларди. Ниятимиз: мамлакатимизнинг энг яхши ўқув муассасалари даражасига эришиш.

Светлана СКЛАДЧИКОВА
сухбатлашди.

Истиқлол шарофати билан нодавлат-нотижорат ташкилотлар, шу жумладан, касоба уюшмалари фаолияти ҳам эркинлашди. Эркинлик эса энг олий неъмат. Ҳар бир фуқаро бугунги кунда истаган жойда чуқур билим олиш, меҳнат қилиш, қобилият ва маҳоратини ўзи танлаган соҳада, касба кўрсата билиш бахтига муяссар бўлди. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз бу буюк неъматнинг қадрига етмоғи ва имкониятлардан унумли фойдаланишга зарур.

Жамоатчилик назоратининг ҳаракатлантирувчи кучи

Касоба уюшма тизими вакиллари халқ ичига янада яқинроқ кириб бориб, уларнинг дарди, орзу-умиди, моддий ва маънавий ҳолатидан доимо боҳабар бўлмоғи шарт. Ана шундагина одамлар нима учун касоба уюшма аъзоси эканлигини амалда ҳис қилади, унга бажонидил эргашади.

Ишонаманки, юртимиз дунёдаги энг илғор мамлакатлардан бирига айланади. Чунки жаҳон цивилизациясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк алломалар авлодларимиз. Касоба уюшмалари ушбу буюк мақсадни амалга оширишда ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши даркор. Хусусан, келажагимиз бўлган ёшларга ноёб истеъдодларини очишларида кўмаклашиш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш хайрли ишлардан саналади. Бунинг учун касоба уюшмаларига хос ташаббускорлик ва ташкилотчиликни янада ошириб, ёшлар учун мўлжалланган санъат саройлари, спорт мажмуалари, санаторий-профилакторийларни кўпайтириш чоралари қўрилса, айни муддао бўларди. Ходимлар манфаатини ҳимоялаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофазалашга доир қонунларга аниқ амал қилинишида касоба уюшмаларимиз жамоатчилик назоратининг асосий ташкилотчиси бўлиб қолади, деб ишонаман.

Наима МАҲМУДОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган врач, биринчи
даражали «Соғлом авлод учун» ордени
соҳибаси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг ҳаётда яхшилик қилишдан ортиқ яхшилик йўқ, деган гаплари бор. Касоба уюшмалари ҳаёти билан танишиб, тизимда амалга оширилаётган савобли ва хайрли ишларнинг гувоҳи бўлганимда, бобокалонимизнинг ана шу пурмаъно гапини эслайман.

Яхшилик қилишдан ортиқ яхшилик йўқ

Четдан қараганда касоба уюшма ташкилотларининг инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари йўлида олиб бораётган кенг қамровли ишларини дарров илғаб олиш мушкул. Ташкилот билан яқинроқ танишгач, унинг бутун фаолияти фақат яхшиликка, эзгуликка йўғрилганлигини юракдан ҳис қиласиз.

Кейинги икки йил ичида Қашқадарё вилоятидаги корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари орқали ходимларни ижтимоий ҳимоялаш учун 2 миллиард 718 миллион сўм, вилоят касоба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Манзилли дастури орқали эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 849 миллион сўм, меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун 10 миллиард 700 миллион сўм, соғломлаштириш мақсадлари учун 8 миллиард сўм маблағ сарфланганлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда 228 миллион сўмдан ортиқ муддатда ўтган қарздорлик ундириб берилганлиги юқоридаги фикримизга ёрқин далилдир.

Касоба уюшмаларининг мамлака-

тимизда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдаги сермахсул фаолиятини, фаоллар тажрибаси ва ташаббусларини ёритишда, миллионлаб ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини халққа етказишда «Ishonch» газетасининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш лозим.

Газета саҳифаларида аънаваный тарзда эълон қилиб келинаётган «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танлови соҳанинг ҳақиқий жонқуярларини, халқ манфаати йўлида меҳнат қилаётган фидойи инсонларнинг меҳнатини оммага кўрсатишда, иқтидорли журналистлар ва халқ орасидаги истеъдодларни кашф қилишда муҳим аҳамият касб этапти.

Мазкур танловнинг жорий йилги ғолиблари сафидан ўрин олганлигим қаламқаш сифатида мени беҳад мамнун этди. Севимли газетамиз жамоасига мустаҳкам соғлиқ, ҳам ҳаётда, ҳам ижодда улкан зафарлар тилайман.

Исмаи ОЧИЛОВ,
Қашқадарё вилояти

Касоба уюшма ёрдам қилди

Касоба уюшмаларининг меҳнаткашларга чинакам ғамхўр, кўмакчи эканига кўп бора шохид бўлганмиз. Корхонамизда рўй берган ҳолат юзасидан кўрсатган ёрдами боис унга бўлган ишончимиз янада ортди.

Корхонамиздаги иқтисодий муаммолар туфайли ойлик маошнинг тўлаб бериш чўзилиб кетди. Қийин м о л л и я в и ахволда қолган-лигимиз туфайли Агрисаноат

мажмуи ходимлари касоба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгашига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Касоба уюшмаси вазиятни тўғри баҳолаб, меҳнаткашлар манфаати йўлида ишга киришди.

Ташкилот аралашуви билан ҳамкасбларим Фарҳод Қодировга 950 минг сўм, Мақсуд Тўрақуловга 739

минг сўм, Абдулла Бобомуродовга 375 минг сўм, Иззат Хўжақуловга 333 минг сўм, менга эса 986 минг сўм, жами 3 миллион 383 минг сўм миқдордаги тўланмай қолган

иш ҳақимиз ундириб берилди. Бизга ғамхўр, елкадош бўлган касоба уюшмаларидан беҳад миннатдоримиз.

Баҳодир МУҲАММАДИЕВ,
Самарқанд вилояти
«Зиёвуддин тола»
очик турдаги акциядорлик
жамияти ходими

Товон пули ундирилди


Касоба уюшмаларининг фаолияти ғоят серқирра. Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси борасида Жиззах вилоят КУТБК ҳудуддаги ҳўжкорлик юритувчи субъект раҳбарлари, тармоқ касоба уюшма фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани яхши самара берапти.

Жорий йил бошидан буён касоба уюшма аралашуви билан иш пайтида жабрланувчиларга 60 миллион сўмликдан зиёд маблағ иш берувчилар ҳисобидан ундириб берилди.

— Касоба уюшмаларидан миннатдорим, — дейди Жиззах шаҳар Сулоқли маҳалласида яшовчи фуқаро Феруза Султонова. — Турмуш ўртоғим Санжар Султонов «Мерос» кўп тармоқли хусусий фирмасида қурувчи бўлиб ишларди. Шу йил 16 ноябрда Ғаллаорол тумани «Кўкбулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда 15 млн. бош товўққа мўлжаллаб қурилаётган йирик объектда бахтсиз ҳодисага учраб, воқеа жойида ҳалок бўлди. Вилоят КУТБК аралашуви билан марҳум эримнинг қонунда белгиланган 6 йиллик ўртача иш ҳақи — 9 млн. 927 минг 776 сўм иш берувчидан бир йўла ундириб берилди. Шунингдек, бир нафар вояга етмаган фарзандимга 1 ноябрдан 19.836 сўм миқдорда нафақа тўланадиган бўлди.

Бахтсиз ҳодисани ҳеч кимга раво кўрмайман, албатта. Афсуски, бу ҳаёт экан. Ана шундай оғир дамларда касоба уюшмаси мадад қўлини чўзиб, амалий ёрдами аямганидан миннатдорим.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири



Хам етакчи, хам ижодкор

«...Сен омон қолишинг, агар юртимизга худонинг газаби ёғилиб, уни ер юзидан супуриб ташлаган тақдирда ҳам сен бутун дунёга шу ерда бизнинг юрт бўлганди, деб жар солиб туришинг керак...»

Муносиб баҳога эга

Бу мулоҳазалар яқинда «Muharrir» нашриёти томонидан чоп этилган «Сардоба» романи қаҳрамонларидан бирига қарата айтилган бўлса-да, моҳиятан, қалбида Ватан туйғуси жўш урган ҳар бир инсонга тегишлидир. Маълумки, ўтган асрнинг йигирманчи йиллари тарихимизнинг энг қора кунлари бўлди.

Жумакул Курбоновнинг ушбу романи 1917-1920 йилларда Бухоро амирлигида юз берган воқеа-ҳодисалар асосида яратилган. Унда халқимиз ичидан етишиб чиққан фидойиларнинг озодлик йўлидаги кураши, хусусан, тарихий шахслардан бири Мулла Жуманинг қисқа, бироқ ёрқин ҳаёт йўли қизиқарли тасвирланган. Уша суронли йиллар халқни иккига ажратгани, ака билан ука, ота билан ўғил сиёсий курашларнинг қарама-қарши қутбларига тушиб қолгани маҳорат билан очиб берилган.

Яна бир асосий қаҳрамон — Файбулла зиёлиларнинг типик вакили сифатида амирлик тузумидан норози, аммо ўз ҳукмини ўткази бошлаган болшевикларни ҳам қабул қила олмайди.

Муаллифнинг яна бир ютуғи ундаги ривоятларнинг роман воқеаларига сингдириб боришидир. Чунончи, ташналикдан ўлаётган боласини омон сақлаб қолиш мақсадида қолган сувни асрайман деб сардобага айланган она, номус устунлигидан ўзларини дарёга ташлаб, лайлакка айланган етти париваш ҳақидаги ривоятлар таъсирчанликни янада оширган. Умуман, асарни ўзбек адабиётида янгилик бўлган асо-тирлар романи дейиш мумкин.

Баъзи ўринларда баённинг кўпайиб кетгани ва имловий хатоликлар учрашини ҳам таъкидлаш ўринлики, бу китобхон руҳиятида бироз хижиллик уйғотиши мумкин. Нима бўлганда ҳам муаллиф кўзлаган мақсадга эриша олган. «Сардоба» романи адабий хазинамизда муносиб баҳога эга асарлар сирасига киради.

Салим АБДУРАХМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Дунёнинг кўрки

Соғиндик Ниетуллаев 1948 йили Мўйноқ туманида туғилган. Юридик фанлари доктори, профессор. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига раислик қилмоқда. С.Ниетуллаевнинг қорақалпоқ поэзиясида ҳам муносиб ўрни бор. Унинг «Гулзор», «Яхши тилак», «Умр ҳақида ўйлар», «Тақдир», «Элим менинг», «Шу элнинг фарзандиман», «Умр йўли» номли шеърий тўпламлари нашр этилган. Қуйида шоир ижодидан намуналар ҳавола этамиз.



Умр йўли

Қараб юргин кўзингга, умр йўли текисмас,
Тақдир уни минг турли манзил билан ўраган.
Яхши ҳам кўп у ерда, ёмонлар ҳам йўқ эмас,
Мен-да шундай жумбоқдан бири бўлиб тураман.

Ўйламаган нарсалар йўлларингдан чиқади,
Кимдир тақир ерда ҳам яшириниб бўғади.
Чин юракдан айтилган сўз эканин билса-да,
Баъзилар «хушомадгўй, таъмагир» деб айтади.

Бахтли ҳам кўп бу йўлда, тийилмаган кўз ёши,
Омон бўлса бўлгани, бировларга ўз боши.
Хурматини ўрнига қўйиб юрган жонлар бор,
Яхшиларнинг инсофдан бошланади сўзбоши.

Умр йўли бозорга, мазорга ҳам боради,
Ўзида жам этгандир, ҳам оку, ҳам қорани.
Тирилик дегани бу — иймон, чинлик, одиллик,
Булар бирга бўлганда, жипслаштирар орани.

Яхшилар беагай...

Яхшилар кўп бу дунёни беагай,
Уларни ҳам кимдир отмоқ истаган.
Кўриб туриб шундайлигин умрнинг,
Гоҳ ўзимни кўп ўнгайсиз сезаман.

Бу дунёни инсофдилар тузаган,
Кўмни, сувни кечиб юриб тиззадан.
Мен ҳам туги яхшиликнинг байрогин,
Умр отлиғ кўк денгизда сузаман.



Қорақалпоқ тилидан
Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ
таржимаси

Гўзалликка ошуфта қиз

Зулфия Давронова Нукус туманидаги 24-умумтаълим мактабини тамомлагач, 2007-2010 йилларда Нукус санъат коллежида таҳсил олди. Бу йил эса Нукус давлат педагогика институти педагогика факультетига тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши бўйича ўқишга кирди. Она юрт гўзаллигини, фидойи инсонлар ҳаётини мангуликка муҳрлаб, дунёга кўз-кўз қилишдай эзгу ният билан изланаётган қиз кенг шарт-шароитлар куршовида мақсадларига эришишига ишонади.

Зулфия табиатан синчков, атрофдан бошқалар илғамаган гўзалликни топиб хайратланар ва ўзгаларга ҳам ҳаяжон улашарди. Қиздаги истеъдодни илғаган ота-онаси уни ҳар томонлама қўллаб, зарур шароитларни муҳайё этишди. Шу тарика унинг хайратлари суратларда акс эта бошлади.

— 2003 йилда «Орол болалари» оромгоҳида дам олдим, — дейди Зулфия. — Бу оромгоҳ Қорақалпоғистондаги энг сўлим маскан ҳисобланади. Ҳар гал кўл бўйида сайр қиларканман, сувнинг жилвалари кўзимни қамаштирарди. Кемадаги саёхатлар қувончимни оширди. Орол муаммоси ҳақида кўп эшитганман. Юртимизда дарахт, гул ўстириш қийинлигини билардим. Шундай шароитда бундай гўзал оромгоҳнинг бунёд этилиши мўъжизага ўхшарди.

2004 йилнинг ёзи Зулфияга унутилмас таассуротлар ҳаёда этди.

Истеъдод



— Ўша йили таътилни юзлаб қорақалпоқ болалари сингари Тошкентда ўтказиш бахтига мушарраф бўлдим, — дейди Зулфия қувончини яширолмай. — «Алгоритм» оромгоҳида ўтказган кунларим хотирамга бир умрга муҳрланган. Ўша пайтдаги ҳар бир кун, ҳар бир ҳолатни кечагидай эслайман. — Қизимдаги тасвирий санъ-

атга бўлган иштиёқ оромгоҳдан келганидан кейин янада жўш ургандай бўлди, — дейди онаси Гулнора. — Ўша пайтлари чизган суратларида бир-бирдан гўзал табиат манзараларини акс эттирганди. «Опажон, мана кўрасиз, ҳали Нукусимиз ҳам шундай гўзал масканга айланади» дея бот-бот такрорлайди, Қорақалпоқ халқининг мато-

нати ва фидойилиги эвазига ушбу ҳудуд дарҳақиқат йил сайин обод гўшага айланмоқда.

— Онам оромгоҳга икки сафар ҳам касаба уюшмалари ҳисобидан борганлигимни айтганди, — ҳикоя қилади З.Давронова. — Аммо ўша пайтлари бунинг аҳамиятини унчалик тушунмагандим. Очиғи, эндиликда касаба уюшмаларининг жамиятда туган мавқеи, эзгу мақсадлари ва меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қамровли фаолияти ҳақида кўп нарса биламан. Ахир, касаба уюшма аъзосиман.

Йиллар ўтиб, Ватан, она табиат, эзгулик, савоб, меҳроқибат каби тушунчалар қалбимда мустаҳкам ўрнашгани сайин бунда касаба уюшмаларининг ҳиммати муҳим аҳамият касб этганини англаяпман. Бунинг учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан миннатдорман. Қурултой кўтаринки кайфиятда уюшқоқлик билан ўтказилишига ва касаба уюшмалари манфаатларини янада кенгроқ ҳимоя қилишга қаратилган қарорлар қабул қилинишига ишонаман.

Мухаббат ТЎРАБОВА,
«Ishonch» мухбири



oliy baxt

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир:
Абдуҳолик
АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

Алла Долженкова,
Анвар Юнусов,
Довуд Мадиев
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Жаҳонгир Шарофбоев
(масъул котиб),
Маъмура Адилова,
Нормамат Аллаёров,
Носирхон Акбаров, Ойсулув
Нафасова, Пиримкул
Қодиров, Соғиндик
Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев

Бизга кўнгирак қилинг:

Котибият: 256-52-78

Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят мухбирлари:

Андижон + 99897 465 05 68;
Бухоро + 99893 653 50 81;
Жиззах + 99872 360 00 10;
Навоий + 99893 725 46 40;
Самарқанд + 99866 933 25 04;
Сурхондарё + 99897 458 05 07;
Фарғона + 99891 679 32 79;
Қашқадарё + 99897 414 30 78
Қорақалпоғистон Республикаси
ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва сақланган.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг
сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан
фарқлиниши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда
«Ishonch»дан олинганлиги
кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар (h) белгиси остида
чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида
чоп этилди. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир:

А.Тошев

Навбатчи:

Ш.Абдусаматов

Мусахҳих:

С.Шодиева

Саҳифаловчи-

дизайнер:

Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш

вақти -21.00

Топширилди - 21.00

Буюртма Г— 1151

Тиражи: 11200

ISSN 2010-5002

2 3 4 5